| 2 -босқич Асосий бўлим (50 мин) | 2.1.Талабаларни кичик гуруҳларда ишлашга тайёрлайди ва хар бир талабага алохида урбанизацияга оид кластер машқларини таркатади. (2 - илова)<br>2.2. Талабаларни ШНК билан ишлашлашга ургатади. (3 – илова)<br>2.3.Гуруҳлар ишини бошқаради, ташкилий масалалар бўйича саволларга жавоб беради, талабаларни йўналтиради. | Вариантлар билан танишадилар<br>Берилган вариантлар асосида хар бир талаба ШНК га таяниб ишлашни ўргатади.<br>Гуруҳда муҳокама этилган саволлар юзасидан гуруҳ сардори томонидан ҳимоя қилинади. |
| 3-босқич Якунловчи (10 мин) | Машғулот бўйича якунловчи хулоса чиқаради | Бажарадилар |

**Илова №1**

***Мавзу бўйича асосий тушунчалар***

**Урбанизациянинг белгилари** – шаҳарларда индустриянинг ўсиши, уларнинг маданий ва сиёсий функцияларининг ривожланиши, меҳнат ҳудудий бўлинишининг чуқурлашуви. Урбанизация белгиларидан яна бири – бу қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга оқиб келиши.

"Шаҳар агломерацияси" лотинча agglomerate – қишлоқ қўшилиб кетмоқ маъносини билдиради. Ишлаб чиқариш саноатида технологиясида агломерация "майда руда" ва чангсимон материаллардан эритиш йўли билан йирик бўлаклар яратиш маъносини билдиради.

Экологик адабиётларда **"агломерация"** сўзи саноат корхоналарининг бир жойда тўпланиши ҳудудий қўшилиб кетишини билдиради. Маълум маънода бу сўз аҳоли яшаш жойларининг тўпланиши ва қўшилиб кетиши орқали шаклланган ва тузилиши жиҳатдан турлича бўлган бирлашмаларни ташкил этишига ҳам таълуқлидир. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва тўпланиши таъсири остида агломерацияларнинг бир – бирларига яқинлашуви ва қўшилиб кетиши "мегаполис"ларнинг шаклланишига олиб келади. Мегаполис кенг ҳудудларини қамраб олувчи урбанизациялашган зоналардир. АҚШда Атлантика океани соҳили бўйлаб Бостон ва Вашингтон оралиғида мегаполис вужудга келган. Буюк кўллар ҳудудида - Чикаго ва Питтербург оралиғида, Калифорнияда – Сан-Диего ва Сан– Франсиско оралиғида, Англияда (Ливерпул - Лондон), Японияда (Токио - Осако) вужудга келган.

Тошкент агломерацияси (Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл)нинг аҳолиси 2,9 млн кишини ташкил этади. Фарғона агломерацияси (Фарғона, Марғилон, Кегайли)нинг аҳолиси 360 минг кишини ташкил этади. Дунёда 66та мегаполислар мавжуд бўлиб, уларнинг умумий аҳолиси 1,4 миллиард кишини ташкил этади. 2000 йилга келиб мегаполиялар сони 160 тани ташкил этиб, уларда дунё аҳолисининг 40-50% истиқомат қилмоқда.

**Илова №2**



# ШНК 2.07.01-03

**54.** Санитар-химоя зоналарининг энг кам кўкаламзорлаштириш майдони бу худудда пайдо бўлувчи чиқиндилар турини хисобга олиб, белгиланади.

Хисоб-китоблар учун маълумотлар бўлмаганда энг кам кўкаламзорлаштириш майдони зонанинг энига боғлиқ холда, фоиз билан қабул қилинади:

300 м гача - 60
301 – 1000 м - 50
1001 – 3000 м - 40

Обод худуд томонидан эни камида 50 м ли дарахт-бута кўчатзори, зона эни 100 м гача бўлганда эса камида 20 м ли кўчатзор бўлиши кўзда тутилади.

**73.** Дам олиш худуди анча катта бўлганда чегараланган харакат тезлиги бўлган ички автомобиль йўлларини ва йўл-сўқмоқ тармоғини кўзда тутиш керак, бунда йўл қисмлари қуйидаги кенгликда бўлади, м: шоссе йўллари - 9; бош йўлкалар - 7; бош йўллар - 5; иккинчи даражали йўллар - 2,0-2,5; сўқмоқлар - 1,2-2,0.

**148.** Умумшахар ахамиятидаги магистрал кўчаларнинг бошқа кўчалар билан кесишуви бир-биридан камида 500 м масофада бўлиши мумкин. Тор кўчалар умумшахар ахамиятидаги ма-гистрал кўчаларга чоррахадан камида 100 м масофада туташуви мумкин.

**156.** Кўп қаватли қурилиш зонасида 3 минг кишидан ортиқ ахолиси бўлган турар жой бинолари гурухига олиб борувчи тор кўчалар 5,5 м энли икки харакат тасмаси ва 1,5 м энли тротуарлар билан барпо этилиши лозим.

Транспортнинг бир томонлама халқа харакати бўлган, узунлиги кўпи билан 300 м бўлган тор кўчалар тротуарлари бўлган холда 3,5 м энли бир харакат тасмали бўлиши мумкин. Бир тасмали тор кўчаларда кўпи билан 100 м оралиқ билан энр 6 м ва узунлиги 15 м бўлган айрилиш майдончаларини кўзда тутиш зарур.

**172.** Яшаш жойи ёки ишхонадан оммавий йўловчи транспортининг энг яқин бекатигача пиёда етишнинг узоқлиги 400 м дан ошмаслиги керак. ўта йирик, йирик ва катта шахарлар-нинг шахсий қурилиш жойларида бу миқдор 600 м гача, ўрта ва кичик шахарларда эса – 800 м гача оширилиши мумкин.

ўта йирик ва йирик шахарларнинг умумшахар марказида оммавий йўлов-чи транспорти бекатларигача пиёда етишнинг узоқлиги 250 м, оммавий дам олиш ва спорт зоналарида – 800 м дан ошмаслиги керак..

Мураккаб рельеф шароитида бу миқдор босиб ўтиладиган паст-баландликнинг 10 метри учун 50 м га қисқартирилиши керак.

**173.** Шахар транспортининг ер усти турлари учун бекатлар орасидаги масофа 600 м дан, тезюрар йўналиш автобуслари учун 800-1200 м дан, метрополитен учун 1000-2000 м дан, электр темир йўл учун 1500-2000 м дан ошмаслиги керак.

**176.** Автобус ва троллейбусларнинг тўхташ жойларини чоррахадан сўнг камида 20 м масофада жойлаштириш лозим. Бир томонга йўналишларнинг тўхташ жойларини чоррахaнинг бир тарафида жойлаштириш керак. Бир чиқиш майдончасининг узунлигини бир томонга йўналишлар учун 20 м, бир неча томон йўналишлари учун 30 м ва ундан ортиқ деб қабул қилиш керак. Чиқиш майдончаларининг энг кам эни 1,5 м бўлиши лозим.

Чиқиш ва тўхташ майдончалари кўча қатнов қисмини торайтириш хисобига қурилишига йўл қўйилмайди.

**179.** Фуқароларга тегишли 100 % автомобилларни доимий сақлаш жойларини уларнинг эгалари яшаш жойидан кўпи билан 800 м масофада кўзда тутиш лозим. Кайта қуриш жойлари ва шахарларнинг тарихий зоналарида бу масофа 1500 м гача оширилиши мумкин. Ногиронларга қарашли транспорт воситаларини сақлаш учун бокс туридаги гаражлар ногирон яшаш жойидан кўпи билан 200 м пиёда етиш масофасида кўзда тутилиши керак.

# Ўқув машғулотида таълим технологияси модели

**Мавзу *(раками)*** *2-мавзу* ***(номи )*** **<u>Ўзбекистонда замонавий шаҳарсозликнинг ривожлантириш босқичлари</u>**

| Вақт 4 соат | Талабалар сони: 40та |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Маъруза |
| *Маъруза режаси Ўқув машғулотининг тузилиши* | 1. Ахоли яшаш жойларининг регионал жойлаштириш тизими.<br>2. Республика ва вилоят худудларини районлаштириш лойиҳалари, бош режага шаҳар ва қишлоқ турар жой пунктларининг тадбиқ этиш, саноат ва аҳоли турар жой туманлари, транспорт системаларини лойиҳалаш.<br>3. Ўзбекистон шаҳарларининг асл меъморий–бадиий кўринишини асраш ва ривожлантириш. |
| *Ўқув машғулоти максади:* | Ўқув машғулотининг максади талабаларда Ўзбекистонда замонавий шаҳарсозликнинг ривожлантириш босқичлари тўғрисида тўлиқ фикрга эга бўлиши. |
| *Педагогик вазифалар:* | *Ўқув фаолиятининг натижалари:* |
| *1. Ахоли яшаш жойларининг регионал жойлаштириш тизими* билан таништиради; | Талабалар янги мавзу билан танишадилар; |
| *2. Республика ва вилоят худудларини районлаштириш лойиҳалари, бош режага шаҳар ва қишлоқ турар-жой пунктларининг тадбиқ этиш, саноат ва аҳоли турар-жой туманлари, транспорт системаларини лойиҳалаш вазифаларига* тасниф беради; | Талабалар мавзуни ёритадилар; |
| *3.Ўзбекистон шаҳарларининг асл меъморий–бадиий кўринишини асраш ва ривожлантириш* кенгроқ очиб беради. | Талабалар мавзуни бирма–бир очиб берадилар. |
| *Таълим усуллари* | Маъруза, блиц – сўров. |
| *Таълим шакли* | Оммавий, жамоавий |
| *Таълим воситалари* | Маъруза матни |
| *Таълим бериш шароити* | Гурухларга ишлашга мўлжалланган хоналар |
| *Мониторинг ва бахолаш* | Оғзаки сўров: тезкор-сўров. |

## Ўқув машғулотининг технологик харитаси

| Иш боскичлари ва Вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| 1-боскич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа) | *1.1.«*Ўзбекистонда замонавий шаҳарсозликнинг ривожлантириш босқичлари*» мавзуси билан таништирилди.* *Максад:* Хозирги кунда Ўзбекистонда замонавий шахарсозликнинг ривожланишининг долзарблиги. *Натижа:* Хозирги кунда Ўзбекистонда асл-меъморий кўриниши сақланмоқда. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни берилади; Мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. (Илова №1) 1.3. Мавзу бўйича презентациялар билан таништиради. (Илова №2) | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. Аниклаштирадилар. Саволлар берадилар. |
| 2-боскич. Асосий (60 дақиқа) | 2.1. Савол – жавоб оркали билимларни фаоллаштиради. (Илова №3) | Жавоб берадилар. Гурухларда ишлайдилар. |
| 3-боскич Якуний (10 дақиқа) | 3.1. Мавзу бўйича якунлайди, қилинган ишларни келгуси касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги мухимлигига талабалар эътибори қаратилади. | Савол берадилар |

**Илова №1**

***Мавзу бўйича асосий тушунчалар***

1. Бугун биз XXI аср шаҳарсозлиги ҳақида ўйлашимиз лозим. Бу фақат келажак учунгина эмас, балки бизнинг ҳозирги кун амалиётимиз учун ҳам муҳимдир. Шаҳарларимиз бош тархлари 25 йил муддатга тузилади. Ҳозирги замон шаҳарсозлиги бу фақатгина санъат эмас, балки фан ва техника бирлиги ҳамдир. Билимнинг кўп соҳалари ютуқларини шаҳарсозликчалик юқори даражада бирлаштирадиган илм йўқдир. Бу ерда ҳозирги замон шаҳарсозлиги муаммолари мажмуаларини ҳал этишда кучли компьютерлардан фойдаланиш талаб этилади.

Шаҳарга таъриф беришда турли мамлакатларда турлича мезонлардан фойдаланилади, аҳоли сони, аҳоли ёки қурилиш зичлиги, аҳолининг кўпчилиги банд бўлган меҳнат тури, шаҳарнинг тарихан шаклланган мавқеи, маъмурий функциялар ва бошқа мезонлар ёки уларнинг қўшилмалари. Собиқ иттифоқ Республикаларида шаҳар тушунчаси мезонлари қонунларида кўзда тутилган эди. Масалан: Россияда у ёки бу аҳоли яшаш жойини шаҳар тоифасига киритиш учун аҳолиси энг камида 12 минг кишини ташкил этиши керак, шу билан бир қаторда аҳолисининг

75% дан кўпроғи қишлоқ хўжалигидан бошқа иш билан машғул бўлиши шарт.

**Аҳоли жойлашиши ва туманни режалаштириш.** Аҳоли жойлашиши ва ишлаб чиқаришнинг келажакда жойлаштиришнинг ўзаро боғлиқлиги. Ушбу мавзунинг бундан кейинги баёнида “Аҳоли жойлашиши” сўзи орқали мамлакат ҳудудида шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшаш жойларининг биргаликда, ўзаро боғлиқ ҳолда фазовий – ҳудудий жойлашиши тизими тушунилади. Бошқача сўз билан айтганда “аҳоли жойлашиши” деганда мавжуд аҳоли яшаш жойларини ривожлантириш ва янгиликларини барпо қилиш орқали ҳудудларда аҳолининг тақсимлаш жараёни тушунилади. Бизнинг мамалакатимизда амал қилинадиган меъёрий ҳужжатларда шаҳарлар, қишлоқлар аҳолисининг сонига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- энг йирик шаҳар – аҳолиси 500-1000 минг ва ундан ортиқ;
- йирик шаҳар – 250-500 минг киши;
- катта шаҳар – 100-250 минг киши;
- ўрта шаҳар – 50-100 минг киши;
- кичик шаҳар – 50 минггача.

Катталиги турлича бўлган шаҳарларда уларнинг халқ хўжалиги тузилиши, уларни ижтимоий меҳнат бўлинишидаги бажарадиган ролига асосан мос келади. Кон саноати, ҳамда қайта ишлаш саноатининг бошланғич тармоқлари кичик ва ўрта шаҳарларга, ҳамда шаҳар тоифасидаги қишлоқлар томон тортилади (Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Красногорск ва бошқалар). Саноат “якуний” тармоқлари (машинасозлик, химия, радио - электроника) эса, катта, йирик ва энг йирик шаҳарларда кўпроқ ривожланади. Тадқиқотлар умуман шаҳарларнинг ўсиши билан уларда саноат тўпланишининг даражаси ортиб боришини кўрсатади. Катта, йирик ва энг йирик шаҳарлар аҳолисининг кўпайиши билан бир вақтда уларнинг сони ҳам кўпайиб бориши кузатилган.

1926 йилда собиқ Совет Иттифоқида 31 та йирик ва энг йирик шаҳарлар бўлган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 200 тани ташкил этади. Уларнинг жадал ўсиши даставвал ижтимоий – иқтисодий омилларга боғлиқ (саноат билан фаннинг қўшилиши, таълим ва бошқалар).

Аҳоли яшаш жойларининг регионал ва гуруҳли тизимлари. Аҳоли яшаш жойларининг шаклланган кўринишлари ва шакллари хусусиятларини қўриб чиқамиз. Мамалакатимиз ҳудудида узоқ муддат давом этган меҳнатнинг бўлиниши жараёнида аҳоли жойлашишининг бир нечта кўринишлари ва турлари тарихан шаклланади.

Ахоли жойлашишининг кўриниши аҳоли яшаш жойлари иқтисодий базасининг хусусиятлари ва уларнинг катталиги билан белгиланади. Аҳоли жойлашишнинг шакли аҳоли яшаш жойлари турининг зичлиги, маълум бир ҳудуд чегарасида ўзаро жойлашиши хусусиятларига ҳамда аҳоли яшаш жойлари орасидаги алоқа турларининг ривожланиш даражасига боғлиқ.

Ҳозирги кунда аҳоли жойлашишининг иккита асосий кўринишни ажратиш мумкин:

**Шаҳар кўриниши** – шаҳарлар ва шаҳар туридаги қишлоқларнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ.

**Қишлоқ кўриниши** – турли қишлоқ аҳоли яшаш жойларининг ривожланиши билан боғлиқ. Ҳар бир асосий кўриниш ***ичида иқтисодий, табиий, демографик ва бошқа ўзига хос шароитларга боғлиқ*** ҳолда бир қатор турларни ажратиш мумкин. Шаҳар аҳоли жойлашиши турининг ичида аҳолининг энг йирик, йирик ва катта шаҳарларда тўпланиши билан ажралиб турадиган шакли; ҳамда аҳолининг кўпчилик қисми ўрта, кичик ва шаҳар туридаги қишлоқ жойларига тарқалганлиги (тарқоқ).

Ҳозирги кунда аҳоли жойлашишининг 2 хил шакли мавжуд:

- **автоном шакли** – бунда қўшни аҳоли яшаш жойлари бир–бирларидан узоқ жойлашган бўлиб, улар орасидаги транспорт алоқалари кучсиз ривожланган. Аҳоли яшаш жойлари бир–биридан ажралган ҳолда ҳоли ривожланади.
- **гуруҳли шакли** –бунда қўшни аҳоли яшаш жойлари орасида ишлаб чиқариш соҳасида ва аҳолининг меҳнати, турмуши ва дам олиши соҳасида кучли алоқалар мавжуд.

**Аҳоли жойлашиши ва табиий муҳит.** Аҳоли жойлашишга таъсир кўрсатувчи асосий омиллар:

- иқлим, тупроқ ва гидрогеологик шароит;
- саноат ишлаб чиқариши учун база ҳисобланган фойдали қазилмалар ва ёқилғи энергетика ресурслари;
- транспорт коммуникацияларининг ривожланиши белгилаб борувчи табиий шакл.

Инсонлар ҳаёти ва меҳнатига таъсир этувчи табиий иқлим омиллари катта аҳамият касб этади. (Ҳарорат, шамол ва намлик, ичимлик суви билан таъминланганлик, ер рельефи, қурилишнинг геологик шароитлари, сейсмик ҳолат, абадий музлик, сел, замин чуқувчанлиги ва ҳоказолар).

Ер юзасида аҳолининг дастлабки жойлашиши ибтидоий жамоа билан табиий муҳит ўртасидаги ўзаро алоқа билан белгиланган. Табиий шароитларнинг жуда қулайлиги қадимги ***шаҳар маданиятининг иқтисодий асосини ташкил этувчи йирик суғориладиган ерлар тизими***ни шакллантириш имконини берган. Бундай ерлар тизими Мисрда Нил дарёсининг қуйи оқимида, Месопотамияда Тигр ва Ефрот дарёлари қуйи оқимида, Ҳиндистонда, Ҳинд ва Ганга дарёлари соҳиларида вужудга келган.

**Аҳоли яшаш жойи** – доимий аҳолисининг тўпланиши моддий фондлар (бинолар, иншоотлар, йўллар, муҳандислик тармоқлари ва бошқалар) билан мустаҳкамланган ҳудуднинг бир қисмидир.

**Шаҳарсозлик** – бу ижтимоий – иқтисодий, санитария – гигиеник, техник – қурилиш, транспорт ва архитектура–бадиий масалаларни биргаликда ҳал этувчи шаҳар ва аҳоли яшаш жойларини режалаштириш ва қурилиш назарияси ва амалиёти тўғрисидаги тушунча.

### 2.3. Шаҳарларни функционал – режавий ташкил этиш.

Мавжуд шаҳарларнинг кенгайиши ва янги шаҳарларнинг қурилиш учун ҳудуд танланади. Шаҳарнинг режалаш лойиҳасини ишлаш унинг

қурилиш учун ҳудуд танлашдан бошланади. Шаҳар кенгайганда турар–жой қурилиши ва бошқа қурилишлар учун янги ҳудудлар танланади. Янги шаҳар қурилаётганда эса бутун шаҳарни жойлаштириш учун ҳудуд изланади.

Ҳудуд танланганда қуйидагилар инобатга олинади:

- жойнинг табиий шароитлари;
- атроф – муҳит муҳофазаси;
- ҳудуд сифатига саноат, турар–жой, транспорт ва қурилишни бошқа турларининг қўядиган талаблари;
- шаҳар асосий зоналарининг ўзаро жойлашиш шартлари;
- ҳудудларни муҳандисона тайёрлаш ва муҳандисона жиҳозлаш талаблари;
- қурилиш иқтисодиёти талаблари.

Шаҳар режавий лойиҳаси қурилиши олиб бориладиган ҳудудларни шаҳарсозлик таҳлил қилиш маълумотларига асосланади.

**Шаҳарнинг режавий тузилиши.** Қулай шаҳар муҳитини яратиш даставвал қурилаётган шаҳар учун пухта ўйлаб жой танлашга боғлиқ. Шаҳарда яшаётган одамларнинг меҳнат қилиши, турмуш ва дам олиши унинг асосий функционал мазмунини ташкил этади.

Шаҳар ҳудудида унинг функционал жиҳатдан фойдаланишга қараб қуйидаги зоналарга (қисмларга) бўлинади:

- **аҳоли яшайдиган зона:** бунда турар–жой туманлари, микрорайонлар аҳолига маданий–маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари, маъмурий жамоа ташкилотлари, кўкаламзорлар, умумфойдаланадиган спорт иншоотлари, кўчалар ва майдонлар, зарарсиз бўлган айрим саноат ташкилотлари, омборхоналар, ташқи транспорт қурилмалари ва захира ҳудудлар жойлашади.

- **саноат зонаси** – бунда саноат ташкилотлари, маданий – маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари, кўчалари, майдонлар, йўллар, кўкаламзорлар жойлашади.

- **ташқи транспорт зонаси** - бунда темир йўл тармоқлари ва бекатлари, порт иншоотлари, аэрогромлар, автовокзаллар, дарё ва денгиз вокзаллари жойлашади.

- **коммунал – омборхона зонаси -** бунда омборхоналар, уларга хизмат қилувчи темир йўл тармоқлари, трамвай, троллейбус ва автобус парклари, ичимлик сув иншоотлари, оқава сувлар иншоотлари, шаҳар коммунал хўжалик иншоотлари жойлашади.

- **аҳоли дам олиш зоналари** - бу алоҳида функционал зона ҳисобланади. Унинг унсурлари (элементлари) шаҳарда аҳоли яшаш жойларида, саноат зонасида ва улардан ташқарида, яъни алоҳида дам олиш зонаси сифатида жойлашади; Шаҳардан ташқарида қисқа муддатли (дам олиш кунлари) ва узоқ муддатли (таътил пайтида) дам олиш жойлари ташкил этилади. (пансионатлар, ўқувчилар оромгоҳлари, боғдорчилик жойлари).

- **санитария – ҳимоя зонаси.** Туруржой зоналарини саноат ташкилотлари ва транспорт қурилмаларидан ажратади. Бу кўкаламзорлар ва очиқ майдонларидан иборат.

**Турар-жой туманларини режалаштириш ва қуриш.** Шаҳарнинг энг асосий қисмларидан (зоналари) бири бу аҳоли жойлашган зона ҳисобланади. Унда турар-жой туманлари, жамоат марказлари, боғлар ва шаҳарнинг бошқа унсурлари (элементлари) жойлашади.

**Аҳоли жойлашган туман** - бу шаҳарнинг йирик унсури бўлиб, шаҳар тузилиши билан узвий боғлайдиган маълум минтақавий чегаралар билан чекланган.

**4. Турар-жой туман** - шаҳар аҳоли жойлашган зонаси режавий тузилишнинг асосий унсури ҳисобланади. Унинг функцияси аҳолига юқори қулайлик яратиш, санитария – гигиена меъёрларига амал қилган ҳолда қурилишнинг ифодали архитектуравий қиёфасини яратиш
Мамлакатимизда туман режалаштириш бўйича лойиҳа ишларининг 2 тури шаклланган:

- туман режалаштириш шартли чизмаси:
- туман режалаштириш лойиҳаси:

Туман режалаштириш шартли чизмаси вилоятлар, ўлкалар, автоном республикалар учун тузилади.

Туман режалаштириш лойиҳаси ҳудудларини ва аҳоли жойлашишни ташкил қилиш бўйича умумий иқтисодий ва режавий масалаларга эга бўлган алоҳида маъмурий туманлар ёки улар гуруҳи учун ишланади. Туман режалаштириш шартли чизмалари ва лойиҳалари бюртмачи томонидан берилган лойиҳалаш топшириғи асосида бажарилади ва чизмалар, ҳамда тушунтириш ҳатидан иборат бўлади.

**Саноат туманлари.** Саноат иқтисодий туманлар шаклига кучли таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади.

Саноат туманларини режалаштирш асосий масалалари қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда худудларни ташкил этиш:

- қувват ва хом ашё манбаларига яқинлик;
- маҳсулот истеъмолчиларига яқинлик;
- меҳнат кадрлари билан таъминланганлик;
- юк ташишни осонлаштирувчи қулай транспорт алоқалари;
- аҳоли учун турар жой ва иш жойлари туманлари ўртасида қулай алоқани таъминлаш;
- шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги базасини ташкил этиш;
- атроф- муҳит муҳофазаси бўйича тадбирлар.

**Қишлоқ хўжалиги туманлари.** Қишлоқ хўжалиги туман режалаштириш улар ишлаб чиқаришнинг ўзига хос томонларини инобатга олиш билан боғлиқдир. Ерларни ва яйловларни яхшилаш тадбирлари муҳим масаладир (ободонлаштириш, сув омборларини қуриш ва ўрмон ҳимоя зонаси).

Курорт саёҳат туманлари. Асосий масалалар:

- курорт ва шифобахш ресурсларини аниқлаш (иқлим, денгиз, тоғлар, шифобахш минерал сув манбалари, шифобахш балчиқ ва ҳоказо).
- ҳудудларни функционал қисмларга ажратиш.
- ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш радиуслари масалаларини ҳал этишда қуйидаги иқтисодий масалаларни эътиборга олиш лозим:

1. Ташкилотларни биргаликда жойлаштириш.
2. Транспорт алоқалари.
3. Маҳсулотни истеъмол қилувчи туманларга яқинлиги. Кўп маҳсулотларин уларни истеъмол қиладиган жойларда ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқдир. Масалан: машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноатларининг тайёр маҳсулотларини хом-ашёга қараганда ташиш қийинроқдир;
4. Қувват омили туманнинг ўзига хослигини белгилайди ва уларда корхоналар жойлаштиришга таъсир этади. Қуввати катта электростанциялар атрофида ҳар доим кўп электр қуввати сарфловчи ишлаб чиқариш корхоналари жойлаштирилади.
5. Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик.

Дунё микёсида Ўзбекистон республикаси худудида жойлашган тарихий обидаларимизни хисобга оладиган бўлсак бу мавкеи жуда катта. Ўзбекистон республикаси худудида жами бўлиб тарихий меъморчиликка бой бинолар сони 4000 тадан ортиқ кўплари бутун дунё хамжамияти ЮНЕСКО га киргизилган. Бу шаҳарлар асосан Бухора, Самарқанд ва Хоразм шахарлари ҳисобланади. “2004 йил Самарканд шаҳарларини ўрганиш бўйича Япония ва Ўзбекистон ўртасида битим шартнома тузилди, 2005 йил талабалар ва аспирантлар орасида тузилди. Янги шаҳарларни куришда биз асосан эски меъморий обидаларни саклаб қолишимиз зарур.

**Илова №2**

Ўзбекистон шаҳарлари(Бухоро)нинг асл меъморий–бадиий кўринишини асраш ва ривожлантириш.

### *БУХОРО*

Бухоро шаҳрининг меъморчиликдаги асосий даври: Арк биноси, Сомонийлар мақбараси, Кўкалдош мадрасаси, Минораи Калон, Масжиди Калон, Абди-Лазизхон мадрасаси, Лаби-Ҳовуз ва шунга ўхшаш тарихий обидалари Бухоро шаҳрининг кўркига кўрк бағишлаб туради.

Арк. Арк биноси Бухорога борган кишининг диққатини ўзига жалб қилади. Арк иншооти эрамизнинг биринчи минг йиллигида қурилган бўлса ажаб эмас. Аркнинг майдони қариб 4 гектарга яқин бўлиб, унинг баландлиги 20 метрга тенг бўлган. Арк биноси Бухоро шаҳрининг шимоли-ғарбий қисмига жойлашгандир. У ерда хонга бўйсунмаган кишиларни мавҳум қилар, савалар ва қатл қилинади. Аркнинг қариб 80% и бизгача етиб келмаган, фақатгина аркнинг деворига тақалган деворларининг бир қисмигина сақланиб қолган. Ҳозирда бу жойни қолган қисмларини консервация қилган.

Исмоил Самоний мақбараси. Самонийлар мақбараси халқ ривояти ҳамда ёзма манбаларга кўра бу ёдгорликни “Самонийлар” отасининг қабри устига қурилган. Бу ёдгорлик 892-907 йилларда қурилган деб тахмин қилинади. Самонийлар мақбараси вақт ўтиши билан қариб 2 метр тупроқ остида қолган. Октябр инқилобидан кейин бу ёдгорлик давлат муҳофазасига ўтиб тарихий обида сифатида эъзозланиб келмоқда.









**Илова №3**

**Саволлар**

1. Ахоли яшаш жойларининг  регионал жойлаштириш тизими.
2. Вилоят худудларини районлаштириш лойиҳалари.
3. Бош режага шаҳар ва қишлоқ турар жой пунктларининг жойлаштириш.
4. Саноат ва аҳоли турар жой туманларида транспорт системаларини лойиҳалаш.
5. Ўзбекистон шаҳарларининг асил  меъморий–бадиий кўринишини асраш ва ривожлантириш.
6. Ўзбекистон шаҳарларида транспорт харакатлари хисобга олиш.
7. Шахарларни лойихалашда транспорт транспорт системаси.
8. Шаҳарнинг режавий тузилиши ва талаблари.
9. Шахарнинг бош режаси тузилиши хакида тушунча.
10. Шахарсозликда туманлар хакида тушунча.

## 2 - амалий машғулот

| 2-МАВЗУ | Шахарсозлик масалаларида шахарсозлик концепцияларини ривожлантириш |
|---|---|

## Амалий машғулотни олиб бориш технологияси
## (машғулот модели)

| | |
|---|---|
| *Ўқув соати – 4соат* | Талабалар сони: 20 та |
| *Ўқув машғулот шакли* | Амалий машғулот |
| *Амалий машғулот режаси* | 1. Шахарсозлик масалаларида шахарсозлик концепцияларини ривожлантириш тизимли усулида “мияда шакллантириш” ва кичик группаларда шахарчаларда амалга ошириш. |
| *Ўқув машғулотининг мақсади*:Талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш. | |
| *Педагогик вазифалар:* | *Ўқув фаолияти натижалари:* |
| 1.Шахарсозлик масалаларида шахарсозлик концепцияларини ривожлантириш тизимли усулида “мияда шакллантириш” ва кичик группаларда шахарчаларда амалга ошириш йўллари билан таништиради. | 1. Талабалар ўзларига бўлиб берилган шахарчаларни шахарсозлик концепцияларини ривожлантириш тизимли усулида “мияда шакллантирадилар” |
| *Ўқитиш воситалари* | А1 форматдаги плакатлар |
| *Ўқитиш усуллари* | Кластер. |
| *Ўқитиш шакллари* | Фронтал, кичик гуруҳларда ишлаш |
| *Ўқитиш шароити* | Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки саволлар. |

## “Шахарсозлик масалаларида шахарсозлик концепцияларини ривожлантириш” мавзусининг технологик харитаси

| Иш босқичлари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич<br>Кириш<br>(20 мин) | 1.1. Амалий машғулот мавзуси, режаси, кутиладиган натижалар билан таништиради. | Тинглайдилар |
| 2 -босқич<br>Асосий бўлим<br>(50 мин) | 2.1.Талабаларни гурухлаб уларга шахарлар бўлиб берилади ва шахарсозлик концепцияларини ривожлантиришнинг “мияда шакллантириш” тизимли усули орқали амалга оширадилар.<br><br>2.2. Гуруҳлар ишини бошқаради, ташкилий масалалар бўйича саволларга жавоб беради, талабаларни йўналтиради.<br><br>2.3. Гурухлар иши кузатилади ва уларга берилган вазифалар юзасидан савол – жавоб қилинади. (1-илова) | Мисоллар билан танишадилар<br><br>Гуруҳда муҳокама этилган саволлар юзасидан гуруҳ сардори томонидан ҳимоя қилинади.<br><br>Хар бир гурух қатнашчиси ўзига берилган вазифаларини шархлайдилар. |
| 3-босқич<br>Якунловчи<br>(10 мин) | 3.1. Машғулот бўйича якунловчи хулоса чиқаради ва талабаларни бахолайди.<br><br>3.2. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради | Ўқув жараёнида олган билимларини мустахкамлайдилар ва бахолар билан танишадилар.<br><br>Адабиётлар рўйхатини ёзиб оладилар |

**Илова №1**

**<u>Савол - жавоб:</u>**

1. Саноат ва аҳоли турар жой туманларида транспорт системаларини лойиҳалаш.
2. Ўзбекистон шаҳарларининг асил меъморий–бадиий кўринишини асраш ва ривожлантириш.
3. Шахарларни лойихалашда транспорт транспорт системаси.

**Ўқув машғулотида таълим технологияси модели**

**Мавзу *(ракамии)*** *3- мавзу* ***(номи )*** **Шаҳарсозликда аҳолини жойлаштиришнинг умум давлат тизими.**

| Вақт 4 соат | Талабалар сони: 40та |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Маъруза |
| *Маъруза режаси Ўқув машғулотининг тузилиши* | 1. Шаҳарсозликда аҳолини жойлаштиришнинг умум давлат тизими.<br>2.“Шаҳарсозлик концепциялари” ҳақида тушунча, шаҳарнинг режавий тузилиши ҳақида тушунча.<br>3.Тошкент шаҳрининг 2015 йилгача бўлган бош режаси тузилиши. |
| *Ўқув машғулоти максади:* | Ўқув машғулотининг максади талабаларда “Бош режа” тўғрисида тўлиқ фикрга эга бўлиши. |
| *Педагогик вазифалар: Шаҳарсозликда аҳолини жойлаштиришнинг умум давлат тизими* билан таништиради; *“Шаҳарсозлик концепциялари” ҳақида тушунча, шаҳарнинг режавий тузилиши ҳақида тушунча* ни мохиятини тушунтиради; *Тошкент шаҳрининг 2015 йилгача бўлган бош режаси тузилиши* таснифини беради. | *Ўқув фаолиятининг натижалари:*<br>Талабалар *«Шаҳарсозликда аҳолини жойлаштиришнинг умум давлат тизими»* мавзусидан олган билимларини мухокама киладилар;<br>Талабалар «*Шаҳарнинг режавий тузилиши»* мавзуни мохиятини тушунадилар;<br>Талабалар олган билимларини таснифлаб берадилар. |
| *Таълим усуллари* | Маъруза, ақлий хужум, савол жавоб. |
| *Таълим шакли* | Оммавий, жамоавий |
| *Таълим воситалари* | Маъруза матни, савол – жавоб |
| *Таълим бериш шароити* | Гурухларга ишлашга мўлжалланган хоналар. |
| *Мониторинг ва бахолаш* | Оғзаки сўров: тезкор-сўров. |

## Ўқув машғулотининг технологик харитаси

| Иш боскичлари ва Вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| 1-боскич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа) | 1.1.«Шаҳарсозликда аҳолини жойлаштиришнинг умум давлат тизими» мавзуси билан таништиради.<br>*Максад:* Шахарсозлик тушунчаси хақида маълумотга эга бўладилар.<br>*Натижа:* Шаҳарсозликда аҳолини жойлаштиришнинг умум давлат тизими хақида умумий маълумотга эга бўлди.<br>1.2. Мавзу бўйича тушунчаларни берилади. (Илова №1)<br>1.3. Мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. (Илова №2) | Тинглайдилар, ёзиб оладилар.<br>Аниклаштирадилар.<br>Саволлар берадилар. |
| 2-боскич. Асосий (60 дақиқа) | 2.1. Савол – жавоб (Илова №3);<br>2.2. Б/БХ/Б жадвали (Илова №4); | Жавоб берадилар. Гурухларда ишлайдилар. |
| 3-боскич Якуний (10 дақиқа) | 3.1. Мавзу бўйича якунлайди, қилинган ишларни келгуси касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги мухимлигига талабалар эътибори қаратилади. | Савол берадилар |

**Илова №1**

***Мавзу бўйича асосий тушунчалар***

Собиқ иттифоқ даврида шаҳарсозликнинг ривожланиши асосан социализм концепциялари асосида ва раҳбарият билан келишилган ҳолда саноат завод, фабрикаларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли тақсимлаб жойлаштирилган. Шаҳарни ташкил қилувчи омиллардан бири бу саноат ишлаб чиқариш ва аҳоли хисобланган ишчиларини фаолиятини хисобга олган холда кучириш ёки жойлаштиришлари амалга оширилган. Тўпланган аҳоли асосида эса янги турар-жойлар, хизмат кўрсатиш муассалари каби бошқа худудлари яратилган.

**Аҳоли яшаш жойларини регионал жойлаштиришни** саноат худуди бўйича ягона тизим ишлаб чиқариш ва махсулотни тарқатишга хўжаликда – ишлаб чиқариш тизими асосида битта қилиб мослаб қурилган бунга:

а) Саноат “ядроси”ни партия ташкилоти рахбарияти билан бошқариш бир бири билан боғлик холда мослаштирилган, ишлаб чиқариш тизимларини раҳбарият хар томонлама таъминлаб туради.
б) Индустриал саноатда ишлаб чиқаришга атрофдаги қишлоқ аҳолисини жалб қилади, транспорт билан хом-ашё билан раҳбарият таъминлайди.
в) Шахар худудий зоналарга (қисмларга) аҳолини жойлаштириш тизими ва бошқалардан иборат.
Аҳоли яшаш жойларини регионал жойлаштириш, соц яшаш, соц жойлашиш бу ягона умумдавлат дастури булган, бошидан ўйлаб қилинган бу тизим кейинчалик бўшашган холатга келди (1920-1930 йй).

**Энг мухими** хозирги кунда ҳам саноатни социал жойлаштириш, соц ахолини жойлаштириш, соц шаҳарсозлик назарияси ва таклифларидан фойдаланилмоқда.

Мустақиллигимизнинг 19 йил даврида ахолимиз шаҳарларда яшаш шароитлари анча яхшиланди. Умумдавлат, ахолини жойлаштириш тизими ривожланиш режаси, минтакавий, махаллий ва ёппасига ички имкониятлар асосидаги режаси билан алмаштирилди. Шаҳарларда ахолини жойлаштириш индустриал тизими ўрнини бюджет ва бозор муносабатлари механизмлари асосида фойдаланишга ўтилди. Марказлашган хўжалик тарғиботларидан бозор иқтисодиётига ўтмоқда. Бу тизим асосан мавжуд ички имкониятлар шароитлар асосида минтақани худудий ривожлантириш, шаҳарнинг тарихий шаклланиши асосларида ахолини жойлаштириш тизимидан иборат.

Хозирги замонда минтақавий лойиҳалашда янги усулларни ва янги статистик маълумотларни ўрганиш ва амалга ошира оладиган билимли лойихачиларни талаб қилади.

Замонавий шаҳарларни кўришда биз асосан шаҳарларнинг юқорига караб (фазовий ривожланишдан) фойдаланишимиз зарур. Янги фазовий ривожланиш статистикаси – минтақавий ривожлиниш тизими асосида ўзгаради.

Минтакавий ривожлантириш тизими жуда мураккабдир 1-чи навбатда бутун ривожланиш тизимини келажагининг ривожлантириш факторлари олинади: иктисодий-экологик ва (демографик) шаҳарнинг ўсиши каби барча омилларини ўз ичига оладиган тизим ҳисобланади.

Шаҳарсозлик талаби, Республикамизнинг барча минтакаларида ахолини жойлаштириш муамолари режалаштирилган ва лойиҳаланган хамда хаётда синаб қўлланилмокда.

## 2. Шахарсозлик концепцияси хакида тушунча

Шахарсозлик концепцияси хакида тушунча- шаҳар тузилиш концепцияси –бу шундай таклифки донишманднинг миясида жамланган фикр, янгилик, етакчилик ғояси уни олға суради ва шаҳарнинг аник лойиҳаси устида ишлашга ундайди.

**Концепция тушунчаси**–лотин сўзидан олинган бўлиб- (тушунча, тизим) етакловчи фикр, илмий, бадиий ва амалий акс этади. Баъзи бир нарсаларнинг уйлар асосидаги янги бир аник ечимининг топилиши, бунга

асосан яқин термин “идея” бирор бир режани ўйлаш, фикрлаш ва чуқур ўйлаб янги бир ғоя ва таклиф бериш демакдир.

Шахарсозлик концепцияси биргина шаҳар билан чекланмасдан бутун барча факторларни кенг қамровли холда ўз ичига олади.1960-1970 йилларда шаҳарларни группа-группа ахоли тақсимланган холда жойлаштирилган бу эса ўз навбатида – Агломерация дейилади (Саноатни ва қишлок хўжалигини тўпланиши ва бир-бирига қўшилиб кетиши). Сузиб юрувчи шахарлар (1000-300м кемалар, чизиқли шахарлар).

### 3. Шаҳарнинг режавий тузилиши ҳақида тушунча

**Шаҳарнинг режавий тузилиши.** Қулай шаҳар муҳитини яратиш даставвал қурилаётган шаҳар учун пухта ўйлаб жой танлашга боғлиқ. Шаҳарда яшаётган одамларнинг меҳнат қилиши, турмуш ва дам олиши унинг асосий функционал мазмунини ташкил этади.

Шаҳар ҳудудида унинг функционал жиҳатдан фойдаланишга қараб қуйидаги зоналарга (қисмларга) бўлинади:

- **аҳоли яшайдиган зона:** бунда турар-жой туманлари, микрорайонлар аҳолига маданий – маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари, маъмурий жамоа ташкилотлари, кўкаламзорлар, умумфойдаланадиган спорт иншоотлари, кўчалар ва майдонлар, зарарсиз бўлган айрим саноат ташкилотлари, омборхоналар, ташқи транспорт қурилмалари ва захира ҳудудлар жойлашади.
- **саноат зонаси** - бунда саноат ташкилотлари, маданий – маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари, кўчалари, майдонлар, йўллар, кўкаламзорлар жойлашади.
- **ташқи транспорт зонаси** - бунда темир йўл тармоқлари ва бекатлари, порт иншоотлари, аэродромлар, автовокзаллар, дарё ва денгиз вокзаллари жойлашади.
- **коммунал – омборхона зонаси** - бунда омборхоналар, уларга хизмат қилувчи темир йўл тармоқлари, трамвай, троллейбус ва автобус парклари, ичимлик сув иншоотлари, оқова сувлар иншоотлари, шаҳар коммунал хўжалик иншоотлари жойлашади.
- **аҳоли дам олиш зоналари** - бу алоҳида функционал зона ҳисобданади. Унинг унсурлари (элементлари) шаҳарда аҳоли яшаш жойларида, саноат зонасида ва улардан ташқарида, яъни алоҳида дам олиш зонаси сифатида жойлашади; Шаҳардан ташқарида қисқа муддатли (дам олиш кунлари) ва узоқ муддатли (таътил пайтида) дам олиш жойлари ташкил этилади. (пансионатлар, ўқувчилар оромгоҳлари, боғдорчилик жойлари).
- **санитария –ҳимоя зонаси.** Турур-жой зоналарини саноат ташкилотлари ва транспорт қурилмаларидан ажратади. Бу кўкаламзорлар ва очиқ майдонларидан иборат.

Асосий функционал жараёнларни шаҳар ҳудудида фазовий такомиллаштириш анча мураккаб масаладир. Шаҳарнинг айрим қисмида қолган олти функционал зона бўлиб, у монофункцияли зонага айланади. Айрим қисмларда бир нечта асосий функция қўшилиб кетиб, улар

полифункционал зонани ташкил этади. Шаҳарнинг жамоат маркази полифункционал зонани ташкил этади.

Илмий йўналишдаги шаҳарларда унинг асосий зоналари қаторига илмий – тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюролари зонаси қўшилади. Курорт шаҳарларда эса курорт зонаси қўшилади. У ерда даволаш – соғломлаштириш ва улар билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш ташкилотлари (Чортоқ, Хумсон ва бошқалар) жойлашади.

## 4. Тошкент шаҳрининг 2015 йилгача бўлган бош режаси тузилиши

Хозирги Вақтда Тошкент шаҳри ахолиси **2 млн 700 минг одамни** ташкил қилади. 2015 йилга бориб бу курсатгич яна **0,5 млнга** купайиш эхтимоли бор. Шахар худуди албатта ўз навбатида шаҳар атрофига қараб ўсишини кенгайишини кўрсатади. Бу эса уз навбатида қатор муаммоларни келтириб чиқаради: транспорт муамоларини ечиш зарур бўлади, автотранспорт сони 1990 йилга нисбаттан 2 баробар ўсди. 3-халка йўлини қуриш талаб қилинади, хозирги Вақтда 34 км узунликка эга бўлган кичик халка йўлини камчиликлари тугатилмокда. (3 одамга 1 машина )

Тошкент шахрида барча таъмирлаш ишлари килинмокда кўкаламзорлаштириш ишлари кенгайтирилмоқда, чет-эл малакаларидан фойдаланилмоқда. Иклим шароитларимизга мос келадиган уйлар қуриш (9-12 қаватли уйлардан юкори уйлар қурмаслик чоралари ишлаб чиқилди.

Тошкент шахри атрофидаги худудлардан транспорт айлана йўллари, парк зоналар ташкиллаштириш-кўкаламзолар асосида лойихаланмокда, бу эса экологик санитария –иклимни яхшилайди.

**Илова №2**

**<u>Мустақил ишлаш учун адабиётлар:</u>**

1. «Шахарсозлик кодекси – шахарсозлик фаолиятининг хуқуқий замини», проф. Латипов Д.В., Тошкент,ТАҚИ 2007й.
2. “Шахарсозлик асослари” Д.У.Исмухамедова, Ўқув қўлланма, ТАҚИ 2000й.

**Илова №3**

**<u>Савол - жавоб:</u>**

1.Ўзбекистон шаҳарларида аҳолини жойлаштиришнинг умум давлат тизими
2. **“**Шаҳарсозлик концепциялари” тушунчаси.
3. Шаҳарнинг режавий тузилиши ҳақида тушунча
4. Тошкент шаҳрининг 2015 йилгача бўлган бош режаси тузилиши
5.Хозирги замонда минтақавий лойиҳалашда янги усулларни жорий қилиш
6.Тошкент шаҳрининг келажагдаги кутиладиган шахарсозлик курсатгичлари
7 Шаҳарнинг режавий тузилишда хисобга олинадиган курсатгичлар.
8.Агломерации тушунчасига мисоллар келтиринг
9**.** Соцрасселения тушунчаси ва шахарсозликда роли
10.Шаҳарларни режалаштириш қандай маълумотлар асосида амалга оширилади?

**Илова №4**

**Б/БХ/Б жадвали –** Биламан/Билишни хохлайман/Билиб олдим.

Мавзу, матн, булим бўйича изланувчанликни олиб бориш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, тахлил килиш куникмаларини ривожлантиради.

Шаҳар ҳудудида унинг функционал жиҳатдан фойдаланишга қараб қуйидаги зоналарга (қисмларга) бўлинади:

- **аҳоли яшайдиган зона:** бунда турар-жой туманлари, микрорайонлар аҳолига маданий – маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари, маъмурий жамоа ташкилотлари, кўкаламзорлар, умумфойдаланадиган спорт иншоотлари, кўчалар ва майдонлар, зарарсиз бўлган айрим саноат ташкилотлари, омборхоналар, ташқи транспорт қурилмалари ва захира ҳудудлар жойлашади.
- **саноат зонаси** - бунда саноат ташкилотлари, маданий – маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари, кўчалари, майдонлар, йўллар, кўкаламзорлар жойлашади.
- **ташқи транспорт зонаси** - бунда темир йўл тармоқлари ва бекатлари, порт иншоотлари, аэродромлар, автовокзаллар, дарё ва денгиз вокзаллари жойлашади.
- **коммунал – омборхона зонаси** - бунда омборхоналар, уларга хизмат қилувчи темир йўл тармоқлари, трамвай, троллейбус ва автобус парклари, ичимлик сув иншоотлари, оқова сувлар иншоотлари, шаҳар коммунал хўжалик иншоотлари жойлашади.

*Матннни белгилаш тизими*

**Б/БХ/Б жадвали**

| Биламан | Билишни хохлайман | Билиб олдим |
|---|---|---|
| | | |

## 3 - амалий машғулот

| | |
|---|---|
| **3-МАВЗУ** | **Тошкент, Самарканд, Бухора, Хива шахарларида мехмонларни қабул қилиш марказлари фаолиятини янги моделлар асосида шахарсозликни ривожлантириш.** |

**Амалий машғулотни олиб бориш технологияси**

**(машғулот модели)**

| | |
|---|---|
| *Ўқув соати – 4соат* | Талабалар сони: 20 та |
| *Ўқув машғулот шакли* | Амалий машғулот |
| *Амалий машғулот режаси* | 1. Тошкент шахарида мехмонларини қабул қилиш марказлари фаоллаштириш.<br>2. Самарканд, Бухора, Хива шахарларида мехмонларни қабул қилиш марказлари фаолиятини янги моделлар асосида шахарсозликни ривожлантириш. |
| *Ўқув машғулотининг мақсади*: Ўзбекистонда туризмни ривожларнтириш | |
| *Педагогик вазифалар:* | *Ўқув фаолияти натижалари:* |
| *Тошкент шахарида мехмонларини қабул қилиш марказлари* билан таништирди. | Талабалар Тошкентдаги мехмонхоналар тизими билан танишдилар; |
| *Самарканд, Бухора, Хива шахарларида мехмонларни қабул қилиш марказлари фаолиятини янги моделлар асосида шахарсозликни ривожлантириш* тўғрисида мухокама қилинди. | Талабалар янги ғоялар асосида моделларни яратиш устида мухокама қилдилар. |
| *Ўқитиш воситалари* | А1 форматдаги плакатлар, компьютер слайдлари. |
| *Ўқитиш усуллари* | Кластер, синквейн. |
| *Ўқитиш шакллари* | Фронтал, кичик гуруҳларда ишлаш |
| *Ўқитиш шароити* | Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки саволлар. |

**“Тошкент, Самарканд, Бухора, Хива шахарларида мехмонларни қабул қилиш марказлари фаолиятини янги моделлар асосида шахарсозликни ривожлантириш” мавзусининг технологик харитаси**

| Иш босқич лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич Кириш (20 мин) | 1.1. Амалий машғулот мавзуси, режаси, кутиладиган натижалар билан таништиради. | Тинглайдилар |
| 2 -босқич Асосий бўлим (50 мин) | 2.1. Талабаларга Тошкентдаги мехмонхоналар тизими билан тушунтиради. Мисоллар оркали (1 - илова)<br><br>2.2. Талабаларни гурухларга ажратиб Самарканд, Бухора, Хива шахарларидаги мехмонхоналар ажратиб берилади. | Мисоллар билан танишадилар.<br><br>Гуруҳда муҳокама этилган саволлар юзасидан гуруҳ сардори томонидан ҳимоя қилинади. |
| 3-босқич Якунловчи (10 мин) | 3.1.Машғулот бўйича якунловчи хулоса чиқаради.<br><br>3.2.Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради (2-илова) | Бажарадилар<br><br>Адабиётлар рўйхатини ёзиб оладилар |

**Илова №1**

## ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНХОНАСИ

Тошкент шаҳрининг марказий “Амир Темур” ҳиёбонида жойлашган “Ўзбекистон” меҳмонхонаси (муаллифлар И.А Мерпорт., Л.Е Ершов, 1974 й.) ўз шакли билан очиқ китобни эслатади. Бино тарзини жозибали қилиш учун квадрат шаклидаги қуёшдан сақлагичларни ритмик равишда жойлаштириб чиқилган. Муаллифлар қуёшдан сақлайдиган панжарани шакли ва пропорцияларини яхши топишган ва шу билан бирга меъморчилик анъаналарини ишлата билишган.

Меҳмонхона 2003 йил қайта таъмирланди, натижада сервис (хизмат кўрсатиш) сифати ва тури анча ўзгариб, у халқаро стандартлар меъёри бўйича 4 юлдузли отель даражасига кўтарилди. Вестибюль, ресторан, кафе, соғломлаштириш маркази, турар жой номерлари интерьери замонавий дизайнга эга бўлди. Аммо бинонинг ташқи кўриниши ўзгармади, фақат асосий кириш олдига соябон ўрнатилди. Кўп қаватли бинонинг биринчи қаватини деярли ҳамма юзасини вестибюль эгаллайди. Кириш эшигидан тўғрида лифтлар жойлашган. Унинг ёнида чиройли айлана зина ёрдамида иккинчи қаватга кўтарилиш мумкин.

Иккинчи қаватда маъмурий – хизмат кўрсатиш хоналари жойлашган. Вестибюлни ўн тарафида, анча ичкарида, чиройли тўсиқ (бар) орқасида қабул қилиш бўлими (reception ) жойлашган (4.1. расм).

**“Узбекистон” мехмонхонаси**

**Тарз ва вестибюль**









Расм. 4.1

Вестибюлга киришингиз билан тўғрида 500 ўринли “Ўзбекистон” ресторани жойлашган. Савдо залининг ўртасидаги қатор устунлар уни икки қисмга бўлади. Ресторанга кираверишдан чап томонда катта (200 ўринли) ва кичик (60 ўринли) конференц заллари жойлашган. 17 қаватда асосий майдонни “Шахрезада” ресторани эгаллайди. Бу ресторанда миллий (45 ўрин) ва Европа (100 ўринлик) заллари мавжуд.

# “МАРКАЗИЙ” (ОЛДИНГИ “ШЕРАТОН”) МЕҲМОНХОНАСИ

“Марказий “ меҳмонхона Тошкент шаҳрининг марказида, Амир Темур ва А.Навоий кўчалари чоррахаси ёнида жойлашган. Меҳмонхона ойна ва бетондан қурилган кўп қаватли бино бўлиб, у асосий тарзи билан Амир Темур кўчасига қараган (4.16. расм).

Меҳмонхона фойеси асосий корпусга қўшимча қурилмадек яратилган. Фойе томининг бутун юзаси ойнабандли қилиб ишланган, шунинг учун бу ер жуда ёруғ ва қуёш нурлари етарли даражада. Вестибюл ва “Оливковая роща” (Olive grove) ресторани дизайни

этноуслубида бажарилган, чунки уларни бадиий ечимида анъанавий меъморчилик амалий санъат намуналаридан фойдаланилган.

Фойедан галерея орқали “Olive grove” ресторанига киришимиз мумкин. Бу ресторан 50 кишига мўлжалланган Тархда у диамтери 10 метрли доирани ташкил қилади. Савдо зали, вестибюл каби томга 34 ўрнатилган деразалардан ёритилади. Шифтда деразалар (юқори фонар) деворга яқинлашгач цилиндр шаклидаги вертикал тўсиққа айланади. Бу цилиндр сатхига анъанавий усулда наботий безаклар туширилган. Умуман олганда, хам ресторан ва ҳам вестибюл дизайни замонавий ва анъанавий йўналишлар уйғунлигида бажарилган. Лифт холи орқасида жойлашган “Амударё” ресторанининг дизайни миллий меъморий безакларсиз содда ва шу билан бирга таъсирчанг ишланган. Катта конференц залга вестибюлдан ва бевосита кўчадан ҳам кириш мумкин. Бу зални зарурият туғилса, банкет залига айлантириш мумкин. Биринчи қаватда анча катта майдонни соғломлаштириш клуби (фитнес клуб) эгаллайди. Бу ерда аввалом бор, қишда суви иситиладиган ҳовуз (бассейн) бор. Бундан ташқари меҳмонхона ҳовлисида: ёзги ҳовуз, теннис корти, рақс майдончаси мавжуд. Фитнес марказда яна: тренажер зал, турк ҳаммоми, буғхона ва массаж хоналар ўрин топган.










Расм 4.16




"Марказий" мехмонхона
тарз ва вестибюль

# “РЕДИСОН SAS” МЕҲМОНХОНАСИ

“Редисон” меҳмонхонаси 2003 йил Амир Темур кўчаси юзида, Ўзбекистон миллий банкининг бош офиси қаршисида қад кўтарган (4.20 расм).

“Редисон” мехмонхонаси

Тарз ва Вестибюль













Расм 4.20

Биринчи қаватда фойе, “Босфорус” ресторан, фитнес марказ ва конференц заллар ўрин олишган. Иккинчи қаватда маъмурий-хизматчи хоналар жойлаштирилган. Меҳмонхонага асосий кириш эшиги бинонинг жанубий-ғарбий бурчагига ўрнатилган. Фойе тархда **Г**-симон шаклни эслатади, шунинг учун меҳмон фоейга кирганда ўнг ва сўл томондаги чиройли манзараларни томоша қилиш мумкин. Фойени сўл томонида рисипшин, меҳмонлар қисқа 36 муддатли дам олиш зонаси жойлаштирилган. Фойени ўнг томонида пиано бар, лифтлар, фитнес марказ ва конференц залларга ўтиш холлари бор. Конференц залларга бинони шимол томонидаги вестибюлдан ҳам кириш мумкин. “Grand Ballroom” деб аталадиган катта конференц зал 400 кишига мўлжалланган. Қолган иккита конференц зал мебелларни жойлашувига қараб 20 тадан 60 гача одам сиғдириши мумкин. Фойени баландлиги 6 метр, деразалар полдан шифтгача фойени бутун баландлигича ишланган. Шунинг учун бу ерга етарлича қуёш тушади ва ёруғ. Фитнес марказ тренажер зал, массаж хоналар, сауна, ҳовлидаги ёзги басейиндан иборат. Фойени чап тарафидаги “Босфорус” ресторанннинг кириш қисмидаги тўртта классик шаклдаги устун одамларни ўзига жалб қилади. Бу устунларни тархда доира шаклидаги фриз бирлаштириб

.

## “ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛ” МЕҲМОНХОНАСИ

Меҳмонхона архитектуравий образи бир нечта катта ҳажмларнинг композицион уйғунлигида яратилган. Галерея схемаси бўйича лойихаланган кўп қаватли турар жой корпуси баланд ва ёруғ вестибюл орқали ката конференц зал билан боғланган (4.24. расм).

“Интерконтиненталь” мехмонхонаси

Тарз ва вестибюль




Расм. 4.24

Пиано бар орқасидаги айлана зина ёрдамида иккинчи қават галереясига чиқамиз. Бу ердан кичик ва катта конференц заллар холига ва маъмурий хизмат кўрсатиш хоналарига кириш мумкин. Айлана зина тўсиғи юзасига стилизация қилинган анор дарахти расми керамик плиткалар ёрдамида туширилган. Зина тагидаги ҳовузча, ундаги фаввора ва керамик намоён (панно) қизиқарли бадиий композицияни яратган . 38 “Амир Темур” номли катта конференц зал тархда саккиз бурчакли қилиб хал қилинган. Бу залда халқаро конференциялар, тантаналар, кўргазмалар ўтказиш мумкин. Залга фоейдан ташқари бевосита кўчадан ҳам кириш мумкин. “Амир Темур” зал интерьери этно услубда ишланган, яъни

деворлар, карнизлар, аркалар бадиий ечимда ўзбек миллий меъморчилик намуналаридан фойдаланилган. Шу услубда “Хива”, “Бухоро” ва “Самарқанд” кичик конференц заллари ишланган. “Los amigos” ресторанниниг дизайни Мексика меъморчилик элементларидан фойдаланилган этноуслубда яратилган. “Cristal ballroom” деб аталган энг катта (350 ўринли) ресторанга бевосита меҳмонхона вестибюлидан кириш мумкин. Ресторанни ҳовлига қараган тарафи полдан шифтгача ойнабандли қилиб ишланган, шу сабабли залда жуда ёруғ ва одам ўзини табиат қўйнида ўтиргандай ҳис қилади.

**Турар жой номерлари.** Меҳмонхонадаги номерлар умумий сони 242 та, булар -53 та стандарт, 109 та катта номер, 16 та ярим люкс, 2 та люкс, 2 та вице-президент номери ва ниҳоят битта президент номери. Стандарт ва катта номерлар тархий ечими, жиҳозланиши деярли фарқ қилмайди, фақат стандарт номер юзаси (32 км2), катта номерникидан (40 м2) бир оз кичироқ. Катта номер (superior suite) кириш эшигини тўғрисида жойлашган бир 39 хонадан иборат.

**Илова №2**

**Мустақил ишлаш учун адабиётлар:**


1. Каримов И.А. Маънавий тикланиш йўлидан. Тошкент. Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. Ўзбекистон, 2009.
3. Кадырова Т.Ф. Архитектура Советского Узбекистана. М., Стройиздат, 1987.
4. Колчанова Г.И. Интерьеры современных гостиниц. М., Издательство литературы по строительству, 1971.
5. Джон Уокер. Введение в гостепримство. М., ЮНИТ, 1999.
6. Коляскина М. Весна в превосходной степени. «Salon», 2001 № 11.
7. Лукьянова Л.Г. Интерьер гостиниц. Киев Выща школа, 1991.
8. Манакова В.Н. Художественная культура народного жилища Узбекистана. Ташкент. Издательство литературы и искусства, 1989.
9. Москалева В.Н. Гостиницы большой вместимости. Челябинск, 1993.
10. Сутягин С.М., Цой Е.И. Начало большого города «Архитектура и строительство Узбекистана», 2000, № 4
11. Убайдуллаев Х.М. Архитектурная реконструкция Ташкентских гостиниц.
12. Peter Mearlin. Ночь на Рождество в Сингапуре. «Salon», 2003 № 10.
13. «Architectural digest» №12, 2005-06 гг.
14. Половников Е. Остров фантазий. «Архидом», 2006, №5.
15. http://www. asia-travel.uz.
16. http://www. alta-d.ru. Декорирование окон. «Энциклопедия ремонта и дизайна.

**Ўқув машғулотида таълим технологияси модели**

**Мавзу *(раками)*** *4- мавзу* ***(номи )*** ***“Идеал шаҳарларда” Шаҳарсозлик концепциялари.***

| Вақт 4 соат | Талабалар сони: 40та |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Маъруза |
| *Маъруза режаси Ўқув машғулотининг тузилиши* | 1. Утопик лойиҳалар:<br>2.“Қуёшли шаҳар” Томазо Кампанелли;<br>3.“Шаҳар-машина ” Антонио Сант-Элиа;<br>4.“Боғ-шахар”Э.Говарда;<br>5.“Индустриал шаҳар” Тони Гарнье. |
| *Ўқув машғулоти максади:* | Ўқув машғулотининг максади талабаларда “Идеал шахарлар” тўғрисида тўлиқ фикрга эга бўлиши. |
| *Педагогик вазифалар:*<br>*Утопик лойиҳалар* билан таништиради;<br>*“Қуёшли шаҳар” Томазо Кампанелли* ни мохиятини тушунтиради;<br>*“Шаҳар-машина ” Антонио Сант-Элиа, “Боғ-шахар”Э.Говарда “Индустриал шаҳар” Тони Гарнье* таснифини беради. | *Ўқув фаолиятининг натижалари:*<br><br>Талабалар *«Утопик лойиҳалар»* мавзусидан олган билимларини мухокама киладилар;<br><br>Талабалар «*Қуёшли шаҳар»* мавзуни мохиятини тушунадилар;<br><br>Талабалар *Антонио Сант-Элианинг“Шаҳар-машина”, Э.Говарданинг “Боғ-шахар”, Тони Гарньенинг “Индустриал шаҳар”лари хақида* олган билимларини таснифлаб берадилар. |
| *Таълим усуллари* | Маъруза, савол жавоб. |
| *Таълим шакли* | Оммавий, жамоавий |
| *Таълим воситалари* | Маъруза матни, савол – жавоб |
| *Таълим бериш шароити* | Гурухларга ишлашга мўлжалланган хоналар, |
| *Мониторинг ва бахолаш* | Оғзаки сўров: тезкор-сўров. |

## Ўқув машғулотининг технологик харитаси

| Иш боскичлари ва Вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| 1-боскич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа) | 1.1.«Идеал шаҳарларда шаҳарсозлик концепциялари» мавзуси билан таништиради. *Максад: Утопик лойиҳалар* тушунчаси хақида маълумотга эга бўладилар. *Натижа: Қуёшли шаҳар, Шаҳар-машина, Боғ - шахар, Индустриал шаҳар* хақида умумий маълумотга эга бўлди. 1.2. Мавзу бўйича тушунчаларни берилади. (Илова №1) 1.3. Мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. (Илова №2) | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. Аниклаштирадилар. Саволлар берадилар. |
| 2-боскич. Асосий (60 дақиқа) | 2.1. Савол – жавоб (Илова №3); 2.2. Слайдларни Power point тартибида намойиш этади. (Илова №4) | Жавоб берадилар. Гурухларда ишлайдилар. |
| 3-боскич Якуний (10 дақиқа) | 3.1. Мавзу бўйича якунлайди, қилинган ишларни келгуси касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги мухимлигига талабалар эътибори қаратилади. | Савол берадилар |

**Илова №1**

***Мавзу бўйича асосий тушунчалар***

**Идеал шаҳарлар.** Шаҳар худудини тақсимлашда атроф-муҳит ҳолатини ҳисобга олган ҳолда аҳолини социал тенг тақсимлаб жойлаштирилган шаҳарлар идеал шаҳарлар деб аталади. Идеал шаҳарнинг барча концепциясига доир масалалар, иқтисодий-сиёсий соцмаданий шароитлари, иқлим шароити ва минтақанинг урф-одатлари каби омиллар ҳисобга олган ҳолда идеал шаҳар лойиҳаланади.

Қадимда “Идеал шаҳар” биринчи бўлиб Платон билан боғлиқ даврда (эрамиздан аввал 427-342й.й.пайдо бўлган таклиф этилган элементлари Атлантида оролида бунёд этилган) бу таклиф ва мулоҳазаларни меъморчилик назарияларига асос қилиб социал утопиклар ривожлантирди.

Танилган Утопислардан Томас Мор Утопик ороли (1478 -1535),

Томмазо Компанелло (1568-1639) ва унинг “Қуёш шаҳри” ва Френсиса Бэкона (1561-1626)“Янги Атлантида”.

**Шарль Фурье (1772-1837)** ва **Роберт Оуэн (1771-1858)** шаҳарни эмас, мамлакат худудини етарли даражада тенг тақсимлаш таклифини олға сурди.

**Клод Николя Леду (1736-1806)** Француз архитектори лойхани хисоб китоблари ёзуви асосида кенг қилиб тайёрлади.

**Эбенезер Говард (1850-1928й.)** даврида 1902 йил йирик шаҳарларда саноат корхоналарнинг ривожланиши натижаси янги экологик муаммолар келиб чиқди ва бу муаммони ечиш учун архитектурлар ва шаҳарсозлар ўз ҳаракатларини бошлаш мақсадида “Туғри чизиқли шаҳарлар”, “Боғ шаҳар, “Соц шаҳар”, “Индустриал шаҳар” каби шаҳарсозлик концепциялари ишлаб чиқди.

Эбенезер Говард “Шаҳарларда –келажакдаги боғлар” китобида 30 минг одамга мўлжалланган шаҳар таклиф қилди.

Инженер Сориа-и Мата (1882) хаттоки Мадрид шаҳрида “Тўғри чизиқли шаҳарлар”, биринчилардан бўлиб қуришни бошлаган транспорт магистрал йўли атрофида энсиз шаҳар қурган, аҳолиси 30 минг атрофида одамга мўлжалланган.

Ле Корбузье Швецария архитектори 1956 йилда Ҳиндистонда Чандигарх шаҳрини қурди. Бразилия пойтахтини Бразилия шаҳрини жуда ҳам кенг фикрлар тасаввурлар асосида идеал шаҳар қилиб қурди.

1959 йилда Франк-Ллойд Райт 1500 м. баландлик эга бўлган 1,5 млн аҳолига мўлжалланган шаҳар **Эллис оролида қуриш** лойиҳасини тайёрлади.

**Ер ости фазосидан** фойдаланиш максадида архитекторлар А.Спиллахаус, Б.Шривер, инженер Б.Фуллерлар лойихаларини таклиф этди.

Жюль Верна **“сузиб юрувчи шахарлар”** раманида барча қулайликларга эга бўлган шахар ҳақида ёзилган. Америка компаниялар шу асарлар туртки бўлиб, бир неча минг кишига мўлжалланган **“сузиб юрувчи шаҳарлар”** лойиҳаларини тайёрлади.

идеал шаҳарлар, шаҳар қалъасимон (юлдузча шаклида)
утопик шаҳар (адабиётларда яратилган келтирилган идал шаҳар)
боғ –шаҳри
индустрал шаҳарлар (шаҳар –завод)
чизиқли шаҳар
булажак шаҳарлар(20 асир бошларида)
шаҳар –шакли
янги шаҳарлар

## Йирик шаҳарлар тузилишининг (структурасининг) ривожланиши

Қадимий шаҳарлар ва қишлоқларнинг ўсиши секин юз берган. Уларнинг ҳудудлари одатда марказий ядро атрофида ҳалқа шаклидаги қурилиш қатламларининг юзага келиши натижасида катталашиб борган. Ўрта аср шаҳарларининг ташқи чегараси мудофа иншоотлари тизимлари билан аниқланган. Улар ичкарисидаги ҳудуд тўлганидан сўнг, унинг ташқарисидаги ҳимояланган ҳудудларда қурилиш бошланган. Янги мавзеларни вақт ўтиши билан мудофа иншоотларининг янги ҳалқаси билан

ўралган. Шундай қилиб, катта шаҳарларнинг ўсиши дарахт танасининг кўндаланг кесимидаги йиллик ҳалқа чизиқларига ўхшаш бўлган. Бундай шаклда кенгайган шаҳарларга Вена (Австрия), Юрлинген (Германия) ва Москва (Россия) киради.



**1.1. – расм. Ҳалқасимон – радиал шаклдаги шаҳар тузилиши.**

**Радиал** – ҳалқа шаклидаги тузилишга эга бўлган шаҳарлар Марказий Осиё ҳудудидаги шаҳарларда бўлган.

Шаҳарнинг дастлаб ярим оролда жойлашиши ёки релъеф қийинчиликлари унинг бирорта бир йўналишда кўпроқ ўсишига олиб келади, бундай ўсиш кўпинча комета думини эслатади. Фин ярим оролида жойлашган Хелсинки ва Россиянинг Тюмен шаҳарлари ҳам шулар қаторига киради. Баъзан шаҳарнинг микдорий ўсиши унинг тузилишини сифат томон ўзгаришга олиб келган. Масалан, қадимги Рус шаҳри Псков дарёнинг қуйилишида вужудга келган. Шаҳар аҳолисининг ўсиши унинг ҳудудини кенгайишига ва 1375 йили тўрт қатор ҳимоя деворлари қурилишига олиб келди. Сўнгра шаҳар Псков дарёсининг кейинги қирғогига ҳам ўтиб кетди. Псков шаҳарининг тузилиши ҳалқа шаклига ўзгариб, унда Кремл девори, Хитой девори, “Бульвар” ҳалқаси девори ва “Садовая” ҳалқаси пайдо бўлди.

Воровитск тепалигида, Москва ва Неглинная дарёлари қуйилишида вужудга келган, Москва шаҳри ҳам шундай ривожланиш йўлининг босиб ўтган. Псков шаҳри каби Москва ҳам даставвал Кремлдан тарқалувчи ҳалқали-радиал шаклидаги кўчалар бўйлаб кенгайган. Сўнгра бу тизимга Негменная дарёси кейинги қирғоғидан мавзелари қўшилади. XVI аср охирига келиб вужудга келган бутун мавзе ҳимоя девори билан ўралади. (оқ шаҳар XIХасрда Бульвар ҳалқаси). Шаҳарнинг тақасимон шакли Москва дарёсига келиб тақалади. Кремл энди Марказий ўрнини эгаллайди. Сўнгра шаҳар Москва дарёсининг кейинги қирғоғида ривожлана бошланади XIX асрда Садовая ҳалқа йўли билан уралади.

**Утопик шаҳарлар утопия -бу фантастика**, хаётда учрамайдиган орзулар асосидаги шаҳар лойиҳаси куринишларидан иборат. Утопик шаҳарсозлар асосан ҳаёлан тасаввур қилади фақат баландлик орзуси билан яшайди ёки инсоният тарихида биринчи **Вавилон башняси** ҳақидаги афсона утопик архитектурлар тамонидан яратилган.

**“Қуёш шаҳри”** Италия файласуфи Томмазо Кампанелло аҳолини социал тенглигини ҳар тамонлама қуллайдиган, ифода этадиган таклифлар беради. Шу учун шаҳарда ҳар бир киши қишлоқ хўжалик ва ҳарбий ишлар

билан шуғиланишига тўғри келадиган идеал шаҳар тузиш таклифини олға суради.

**“Шаҳар машина” Антонио Сант-Элиа -** 20-асир бошларига келиб янги хар томонлама мужассамлашган шахарсозликнинг мукаммал лойихалари устида ишлаш концепциялари пайдо бўлди.

**1914 й. Миллан шахрида** Янги тенденции Кургазма (Виставка) замонавий янги шахарлар хакида **“Янги шахар, Милан-2000” очилди.** Бунда асосан Сант Элиа лойихаси умуман янгича ёндашишлар асосида қилинган лойиха эди. Бу лойихада самолет ва поездлар учун янг станция, метрополетен қурилиши учун янги бир калит булди. баланд уйлар, хар хил баландликдаги автотрассалар электростациялар архитектура элементлари ва хар хил иншоатлар бир-бири билан мужассамлиги келтирилган.

**Сант Элиа** ўз Маърузасида биринчилардан бўлиб янги шахарларнинг модернизация қилиш катта метрополетенлар куриш, аэропорт, темир йул, электростанция ва саноат иншоатларини куриш. метрополетен Қурилишида электр ва комуникация асосий элемент хисобланади, архитектура конструкциясида асосий материал цемент ва темир хисобланиши каби масалалари хакида Маърузасида такидлаган. Ҳамда келтирилган жадвал ва графикларида бир қанча иншоотларнинг бир-бири билан чамбарчас боғланганлиги шахар мухитини тушунган холда қилинганлиги авторнинг лойихасида ўз аксини топган.
Баланд иморатлар устига хар хил лозингларга реклама ленталари куйиш каби мосламалар билан безатилган экранлар келтирилган эди .

1920 йил Сант Элиа архитектура чизмалари халқаро “Стил” журналида, Германиянинг “Штурм” журналида кенг оммага эълон қилинди. Сант Элиа ғоялари асосида Утопик шахарсозлар тамонида Ле Корбюзье 3 млн кишилик шахар (1923й). Урбанистик лойиха, Баланд бинолар шахри (1924), каби ғоялар илгшари сурилди.

2-жахон уришидан кейин Француз архитектури Ж.Кандилис бутун дунёда 2 йуналишни битта аспектда яъни шахарсозлик ва архитектура асосида ривожлантириш таклифини берди. Бутун европада ёппасига микрорайон ва массивлар куриш оммовий тус олди.
“Янги шахарлар таклифлари (идеалари)”60-70 йилларда Парижда Дефансномли эксперментал шахар курилди баланд зич урбанизациялашган шахар бунед этилди.

**Шахар-бог Э.Говарда.**

**Шахар–боғ** – шахарсозлик концепциясига 20 аср бошларида кириб келди. Англия утопислари тамонидан бу таклиф 1898 й. биринчи “Булажак-боғ шахари” номли китоб шаклида чиққан **(Эбензером Говард)** 32000 киши мўлжалланган шахарбулиб ёнидаги йулдош шахарлар ахолиси билан биргаликда 250минг кишига мўлжалланган шахар.

Шахарнинг марказида парк атрофида ахоли яшаш зонаси, паст каватли бинолар дала хавлилари шаклидаги уйлар курилган, хизмат курсатиш Оралиқ мософаси 1км дан ошмайди.

Иккинчи жахон уришидан кейин Англия давлатининг пойтахти Лондон шахри атрофида 1млн ахолига мўлжалланган 18та янги шахар лойихаланиб куриш режалаштирилган эди.

Бог- шахарлар 20 асрнинг иккинчи яримида жуда ананавий тусга кирди Росияда Барнаулда, Ростов-на –Донда, Красний город-сад курилди.
Белгияда Район-сад Ле-Ложи Брюссел комунаси.Германия.
Испаниянинг Барселонда парклар курилди.
20 асрнинг 2чи яримига келиб бог шахарлар ананавий тусинийукотди. Шахар четида куриш богларни дала хавлиси шаклидаги Қурилишлар кескин тус олди.

**“Индустриал шахар” Тони Гарнье**

**Индустриал шахар** концепциясини француз шахарсози Тони Гарнье (1869-1948й.) яратган.бунда асосий муаммо шахарнинг усиши ва саноат корхоналарининг ифлослантириши.
Гарнье 1917 йил индустриал шахар номли катта мехнатини босиб чиқарди. 35 минг кишига мўлжалланган шахар хакида эди. Бу унча катта булмаган шахарда барча саноат комплекси, уй печлар, судоҚурилиши, автомобиль, авиация, к\хмашиналари ишлаб чиқарадиган заводлар ва хизмат курсатиш обектлари курилган.
Гарнье 1917 йил франциянинг жанубий-шаркий кисмида 4 та функционал зонага бўлиб: яшаш зонаси, саноат, маданий –хизмат курсатиш ва қ\х хаёти фаолияти билан боғлик бўлган транспорт тармоклар билан чамбарчас боглиқ холда табий ландшафтни саклаш-ер релифи, куёш,хаво ва сувни мумкин кадар кулай фойдаланиш масалараиндан фойдаланилган шахар курилди.

Асосий Қурилиш материаллари бу темирбетон бўлиши зарур.

**Илова №2**

**<u>Мустақил ишлаш учун адабиётлар:</u>**

1. “Шахарсозлик асослари” Д.У.Исмухамедова, Ўқув қўлланма, ТАҚИ 2000й.
2. ШНК 2.07.01 – 03 Градостроительство. Планирование развития и застройки территорий городских и сельских населенных пунктов. – Т.: Госкомархитектстрой РУз., 2003.
3. «Шахарсозлик кодекси – шахарсозлик фаолиятининг хуқуқий замини», проф. Латипов Д.В., Тошкент,ТАҚИ 2007й.

**Илова №3**

**<u>Савол - жавоб:</u>**

1.“Қуёшли шаҳар” Томазо Кампанелли хакида тушунчалар бошқа шахарлардан фарқи ва афзаллиги;
2.“Шаҳар-машина ” Антонио Сант-Элиа хакида тушунчалар бошқа шахарлардан фарқи ва афзаллиги;
3.“Боғ-шахар”Э.Говарда хакида тушунчалар бошқа шахарлардан фарқи ва афзаллиги;
4.“Индустриал шаҳар” Тони Гарнье хакида тушунчалар бошқа шахарлардан афзаллиги.
5. Идеал шаҳар нима?
6. Хаёлпарас шахарсозлар хақида тушунчалар ва уларнинг барча турлари
7.Сузиб юрувчи шахарлар хакида тушунча

Илова №4

## Tomazo Kompanelli.

Tomazo Kompanelli 1568-yilda Kalabridagi Stepyano qishlog’ida tug’ilgan. 1639-yilda Parijdagi muqaddas Yakob ibodatxonasida vafot etgan.




## “Quyoshli Shahar” g’oyasi qanday vujudga keldi?

T. Kompanelli XVI asr utopist olimlaridan biri bo’lib, uning cherkov bilan kelishmovchiligi hayotining ko’p qismi qamoqda o’tishiga olib keladi. “Quyoshli Shahar” asari olim umrining so’ngida yaratilgan asar bo’lib, asarda bir dengizchining Hind okeanidagi orollardan birida ko’rgan davlati haqida so’z yuritiladi.



# QUYOSHLI SHAHAR…

- Tomazo Kompanellining “Quyoshli Shahar” asari Tomas Morning “Utopiya” asaridan ta’sirlanib 1623-yilda yaratilgan bo’lib, hayoliy asarlar sirasiga kiradi. Asarda shoir o’zi orzu qilgan shahar to’g’risida fikr yuritadi. Asarda shahar hind okeanidagi orollardan birida joylashganligi, uni yettita tog’ o’rab olganligi va mustahkam mudofa devorlari borligi aytib o’tiladi. Shaharda Quyosh hukmdorligi, unga yordamchilari: Kuch, Sevgi va Donolik ko’maklashishi ham aytiladi. Bundan tashqari shaharda to’rt soatlik ish kuni va shahar aholisi teng huquqliligi sanab o’tiladi. Shaharda yerlar umumiy hisoblanib, unda barcha yelkama-yelka birga mehnat qiladi.

# TOSHKENT – QUYOSHLI SHAHAR











СТРОЙКА ВЕКА

# Ташкент глазами наших предков

Текст: Виктор Попов

2000 лет назад, когда жители Западной Европы, пробирались от своих немногочисленных шалашей и землянок, раскиданных в каком-нибудь ТевтонБургском лесу, чтобы поесть и попить под сенью священного дуба, в нынешнем городе Ташкенте кипела жизнь.

ШАШТЕПА, Чочтепа, археологический памятник-городище, состоящее из внешнего и внутреннего поселения, а также возвышенного бугра цитадели. Расположен вдоль канала Джун. Во 2 – 1 вв до н.э. на базе этого поселения возник и начал развиваться первый пункт городского типа.

МИНГУРЮК, археологический памятник, городище 1-13вв.,состоящее из вышки-замка, примыкавшей к подквадратной цитадели, и всхолмленной территории собственно города – Шахристана. Расположено вблизи железнодорожного вокзала г.Ташкента, на протоке р.Салара. (ТАШКЕНТ энциклопедия, 1984г.).

Всё это, конечно же «преданья старины глубокой», и посмотреть, как же в древности жили в нашем городе простые обыватели (в хорошем смысле этого слова), мы, конечно же, не сможем. Но у нас пока ещё есть возможность увидеть кое-что, из не такого далекого прошлого, и представить, как всё было, лет 100 - 150 тому назад. Оставив в стороне архитектурные памятники для исследователей и залетных туристов, попытаемся представить жизнь простого горожанина и посмотреть на те дома, которые видел он. С очевидцами встретиться не удалось по вполне понятной причине. Пришлось положиться на письменные свидетельства авторитетных очевидцев.

...Ташкент в 1903 году насчитывал до 40 тысяч жителей в новом городе и более 15 тысяч человек в старом районе города. Он являлся главным центром всего Туркестанского края.

...я в середине дня 19 октября прибыл на Ташкентский вокзал. До подыскания мне квартиры Миколевский предложил поселиться у него. Я ему за это был очень благодарен, так как действительно более или менее благоустроенных гостиниц или номеров в те времена в Ташкенте не было.

Для ежедневного времяпровождения было общегарнизонное собрание. Оно имело большой зал для танцев, комнату для чтения газет и журналов, бильярдную и, наконец, постоянно действующую столовую. Собрание было открыто с 11 часов утра до 2 часов ночи.

Городской театр был плох, поэтому заезжавшие в Ташкент драматические труппы или оперетта, а также отдельные дебютанты обыкновенно играли на сцене военного собрания или на сцене общественного собрания...

Лето 1910 года.

Я возвращался снова в Туркестанский военный округ. Утром 23 июня 1910 года на станции Ташкент я обнимал своего товарища по академии штабс-капитана Филаретова. Он повез меня к себе на квартиру: в Ташкенте по-прежнему не было приличных гостиниц. Филаретов жил у своего брата в небольшом домике с садом на Пушкинской улице.

С осени 1911 года я переменил квартиру и занял три комнаты с отдельным парадным входом и двором по Гоголевской улице, напротив здания, в котором размещалось общественное собрание. До казарм, правда, приходилось идти 35 – 40 минут, но эта часть города была лучше озеленена, и получасовая прогулка шла только на пользу.

Однажды фельдфебель доложил, что стрелки-поляки очень много времени проводят в костеле. Я заинтересовался этим. Оказывается, после короткой службы ксендз использует солдат на постройке нового костела. Святой отец не без пользы для себя устраивал воскресники. Я подал об этом рапорт, и поляки стали возвращаться вовремя.

В конце 1911 года Самсонов (командующий войсками округа), впервые за много лет, дал бал в своем генерал-губернаторском доме для старших войсковых начальников и офицеров Генерального штаба. На балу были, конечно, и чиновники гражданских учреждений, а также представители узбекской знати в дорогих расшитых золотом халатах. Бал прошел весело и непринуждённо.

№5 (34) ДЕКАБРЬ 2007




Uzbekistan Tashkent City Development Project
TASHKENT CITY


QUYOSHLI TOSHKENT

## 4 - амалий машғулот

| | |
|---|---|
| **4-МАВЗУ** | **Машқ шакллантиришда “концепция”, тузими, “шахарсозлик” терминлари хакида тушунча.** |

**Амалий машғулотни олиб бориш технологияси**

**(машғулот модели)**

| | |
|---|---|
| *Ўқув соати – 4 соат* | Талабалар сони: 20 та |
| *Ўқув машғулот шакли* | Амалий машғулот |
| *Амалий машғулот режаси* | 1. “Концепция” тушунчаси<br>2. “Шахарсозлик” хақида |
| *Ўқув машғулотининг мақсади*: Концепция ва шахарсозлик тушунчалари хақида маълумот. | |
| *Педагогик вазифалар:* | *Ўқув фаолияти натижалари:* |
| “Концепция” термини билан таништирди. | Талабалар “Концепция” тушунчаси билан танишдилар; |
| “Шахарсозлик” тўғрисида муҳокама қилинди. | Талабалар шахарсозликни янги ғоялари хақида мухокама қиладилар. |
| *Ўқитиш воситалари* | А1 форматдаги плакатлар, компьютер слайдлари. |
| *Ўқитиш усуллари* | Кластер, синквейн. |
| *Ўқитиш шакллари* | Фронтал, кичик гуруҳларда ишлаш |
| *Ўқитиш шароити* | Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки саволлар. |

**“Машқ шакллантиришда “концепция”, тизими, “шахарсозлик” терминлари хакида тушунча” мавзусининг технологик харитаси**

| Иш босқич лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич Кириш (20 мин) | 1.1. Амалий машғулот мавзуси, режаси, кутиладиган натижалар билан таништиради. | Тинглайдилар |
| 2 -босқич Асосий бўлим (50 мин) | 2.1. Талабаларга Шахарсозлик тушунчасини кластер усули орқали тушунтиради. Мисоллар оркали (1 - илова)<br><br>2.2. Гуруҳлар ишини бошқаради, ташкилий масалалар бўйича саволларга жавоб беради, талабаларни йўналтиради. | Мисоллар билан танишадилар.<br><br>Гуруҳда муҳокама этилган саволлар юзасидан гуруҳ сардори томонидан ҳимоя қилинади. |
| 3-босқич Якунловчи (10 мин) | 3.1.Машғулот бўйича якунловчи хулоса чиқаради.<br><br>3.2.Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун “Инсерт” жадвалини беради (2-илова) | Бажарадилар<br><br>Адабиётлар рўйхатини ёзиб оладилар |

**Илова №1**

**Ушбу берилган кластерни давомини тўлдиринг!!!**




**Илова №2**

**“Инсерт” жадвали**

**График ташкил этувчининг тури, аҳамияти ва хусусиятлари**

**“ИНСЕРТ” жадвали**

Мустақил ўқиш вақтида олган маълумотларни, эшитган маърузаларни тизимлаштиришни таъминлайди; олинган маълумотни тасдиқлаш, аниқлаш, четга чиқиш, кузатиш. Аввал ўзлаштирган маълумотларни боғлаш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради.

**Ўқув фаолиятини ташкиллаштиришнинг жараёнли тузилмаси**

Инсерт жадвалини тўлдириш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида ўзлари тўлдирадилар.

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни алоҳида ўзлари тизимлаштирадилар - жадвал устунларига “киритадилар” матнда белгиланган қуйидаги белгиларга мувофиқ:
“V”- мен билган маълумотларга мос;
“-“ - мен билган маълумотларга зид;
“+” - мен учун янги маълумот;
“?” - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.

**Шаҳарсозлик** – бу ижтимоий–иқтисодий, санитария – гигиеник, техник – қурилиш, транспорт ва архитектура – бадиий масалаларни биргаликда ҳал этувчи шаҳар ва аҳоли яшаш жойларини режалаштириш ва қурилиш назарияси ва амалиёти тўғрисидаги тушунча.

Ижтимоий – иқтисодий масалалар шаҳар ва қишлоқ ривожланишининг келажагини, табиий ва ҳудудий ресурсларни иқтисодий самарали фойдаланишни, аҳолининг ўсишини, аҳолига оптимал маданий – маиший хизмат кўрсатишни ташкил қилишни ҳисобга олган ҳолда аҳоли жойлашуви тизимини танлашда ҳал қилинади.

Техникавий – қурилиш масалалари аҳоли яшаш жойлари қурилиши учун танланган ҳудудларнинг муҳандисона-геологик ва географик шароитларини (шамол, температура, намлик, шамол йўналиши халк хўжалиги учун ҳамда денгиз, кўл ёки дарё каби сув заҳиралари бўлиши шарт) ўрганиш, қурилиш техникасининг даражаси ва замонавий воситаларни аниқлаш, транспорт ва пиёдалар алоқаларининг рационал тизимини ҳал этиш, ҳудудларни муҳандисона тайёрлаш ва муҳандисона ободонлаштириш (ичимлик суви етказиш, оқава сувлар ўтказгич, иссиқ сув, совуқ, газ ва электр таъминоти ва бошқалар) ва ҳоказоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Бизнинг мамалакатимизда амал қилинадиган меъёрий ҳужжатларда шаҳарлар, қишлоқлар аҳолисининг сонига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- энг йирик шаҳар – аҳолиси 500-1000 минг ва ундан ортиқ;
- йирик шаҳар – 250-500 минг киши;
- катта шаҳар – 100-250 минг киши;
- ўрта шаҳар – 50-100 минг киши;
- кичик шаҳар – 50 минггача.

**“Инсерт” жадвали**

| V | + | - | ? |
|---|---|---|---|
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

**Ўқув машғулотида таълим технологияси модели**

**Мавзу** ***(раками)*** *5- мавзу* ***(номи )*** ***<u>Шахарсозлик назарияси</u>***

| Вақт 4 соат | Талабалар сони: 40та |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Маъруза |
| *Маъруза режаси Ўқув машғулотининг тузилиши* | 1. Шаҳарсозлик динополис (бир чизикли текис ривожланган шахарлар-мегополис дейилади) (экуменалполис) Конистантиноса Доксиадиса назарияси<br>2. Шаҳарсозлик Концепцияларида Метаболизма Кендзо Танге назарияси<br>3. Америка шахарсозлик назарияси |
| *Ўқув машғулоти максади:* | Ўқув машғулотининг максади талабаларда «Шахарсозлик назарияси» тўғрисида тўлиқ фикрга эга бўлиши. |
| *Педагогик вазифалар:*<br>*Шаҳарсозлик динополис Конистантиноса Доксиадиса назарияси* билан таништиради;<br>*Шаҳарсозлик Концепцияларида Метаболизма Кендзо Танге назариясини* мохиятини тушунтиради;<br>*Америка шахарсозлик назариясига* тасниф беради. | *Ўқув фаолиятининг натижалари:*<br><br>Талабалар «Шахарлар-мегополис» мавзусидан олган билимларини мухокама киладилар;<br><br>Талабалар *«Кендзо Танге назарияси»* мавзуни мохиятини тушунадилар;<br><br>Талабалар “*Америка шахарсозлик назарияси*” хақида олган билимларини таснифлаб берадилар. |
| *Таълим усуллари* | Маъруза, савол жавоб. |
| *Таълим шакли* | Оммавий, жамоавий |
| *Таълим воситалари* | Маъруза матни, савол – жавоб |
| *Таълим бериш шароити* | Гурухларга ишлашга мўлжалланган хоналар, |
| *Мониторинг ва бахолаш* | Оғзаки сўров: тезкор-сўров. |

## Ўқув машғулотининг технологик харитаси

| Иш боскичлари ва Вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| 1-боскич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа) | 1.1 “Шахарсозлик назарияси” мавзуси билан таништиради.<br>*Максад:* “Шахарсозлик назарияси” тушунчаси хақида маълумотга эга бўладилар.<br>*Натижа:* Мегаполис шахарлар, Кендзо Танге назарияси, Америка шахарсозлик назарияси хақида умумий маълумотга эга бўлди.<br>1.2. Мавзу бўйича тушунчаларни берилади. (Илова №1)<br>1.3. Мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. (Илова №2). | Тинглайдилар, ёзиб оладилар.<br><br>Аниклаштирадилар.<br><br>Саволлар берадилар. |
| 2-боскич. Асосий (60 дақиқа) | 2.1. Савол – жавоб (Илова №3);<br>2.2. Таянч иборалар (Илова №4). | Жавоб берадилар. Гурухларда ишлайдилар. |
| 3-боскич Якуний (10 дақиқа) | 3.1. Мавзу бўйича якунлайди, қилинган ишларни келгуси касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги мухимлигига талабалар эътибори қаратилади. | Савол берадилар |

**Илова №1**

***Мавзу бўйича асосий тушунчалар***

**Шахарсозлик назарияси**–бу амалиётда шахар ахолиси турар жойларини ва режалаштиришдан иборат бўлиб, яъни социал иктисодий, соцтехника, бадиий–меъморий, хамда санитария гигиеник каби муаммоларни ўз ичига олган мураккаб мажмуадан, тизимдан иборат.

1950 йилларга келиб бўлажак шахарлари хакида кўплаб ўзига хос шахарсозлик фантазиялари яратилди. Шахарларнинг соц гигиеник, соц экологик, соц техник космик корабл, метал каркас асосларидаги шахарлар яратиш хакида ғоялар пайдо бўлди.

Ниҳоят Грек шаҳарсозлик Урбанистик назариячиси Конистантиноса Доксиадисанинг фантазияси олга сурилди. Машҳур грек урбанисти К.Доксиадиса “одам шаҳарларда мағлубиятга учрайди, агарда шаҳар муаммосига янгича ёндашиш йўллари топилмаса, унда бизни ҳалокат кутмоқда. Архитекторлар, жуғрофиячилар, иқтисодчилар, демографлар ва бошқа кўп фан намояндалари катта шаҳарлар ва урбанизм

муаммолари билан шуғулланмоқдалар, ҳамма битта оқимга ташланмасдилар, фақат қирғоқнинг турли қисмларидан” - деган эди.

К.Доксиадиса 1974 йил биринчи бўлиб инсон ва табиат ўртасида муаммолар асосида экологимя фанидан “экологик тенгликнинг долзарблиги” маколасини ёзди. Шахар худудини 1 та зонага ажратиб 80% табий мухитга кукаламзорларга, 10% Қишлоқ хўжалигигава ўрбанизациясаноатини ривожлантиришга ажратган.

Бу назария асосан 4 та хил йуналишида бўлиб:

1.Бир йўналиш бўйича ривожланиш (динополис)

2.Хар тамонга бир хил ривожланиш (динометрополис)

3.Гигант шахарлар (динамегополис)

4.Шахарсозлик хакидаги фанлар ва Статистик маълумотлар асосида ривожлантириш. (экуменалполис) (динамегополис)

Экологик адабиётларда **“агломерация”** сўзи саноат корхоналарининг бир жойда тўпланиши ҳудудий қўшилиб кетишини билдиради. Маълум маънода бу сўз аҳоли яшаш жойларининг тўпланиши ва қўшилиб кетиши орқали шаклланган ва тузилиши жиҳатдан турлича бўлган бирлашмаларни ташкил этишига ҳам таалуқлидир. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва тўпланиши таъсири остида агломерацияларнинг бир–бирларига яқинлашуви ва қўшилиб кетиши “мегаполис” ларнинг шаклланишига олиб келади. Мегаполис кенг ҳудудларини қамраб олувчи урбанизациялашган зоналардир. АҚШда Атлантика океани соҳили бўйлаб Бостон ва Вашингтон оралиғида магаполис вужудга келган. Буюк кўллар ҳудудида -Чикаго ва Питтербург оралиғида, Калифонияда – Сан-Диего ва Сан – Франсиско оралиғида, Англияда (Ливерпул Лондон), Японияда (Токио - Осако) вужудга келган.

Тошкент агломерацияси (Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл) нинг аҳолиси 2,9 млн кишини ташкил этади. Фарғона агломерацияси (Фарғона, марғилон, Кегайли) нинг аҳолиси 360 минг кишини ташкил этади. Дунёда 66 та мегаполислар мавжуд бўлиб, уларнинг умумий аҳолиси 1,4 миллиард кишини ташкил этади. 2000 йилга келиб мегаполиялар сони 160 тани ташкил этиб, уларда дунё аҳолисининг 40-50% истиқомат қилмоқда.

Катта шаҳарлар ва катта **агломерациялар** (шахар ва кишлокларнинг қўшилиб яқинлашиши) муҳим камчиликлари маълум, булар қуйидагилардан иборат:

- муҳандисона жиҳозлашнинг қимматлашуви;
- транспорт муаммоларининг қимматлашуви;
- атроф – муҳитнинг ифлосланиши;
- катта шаҳарлар аҳолисининг табиатдан узоқлашуви ва бошқалар.

Француз шаҳарсозлигида ва илмий манбаларда “Француз сахроси” деган тушунча мавжуд. Бу бутун мамлакат ҳаётий кунининг Париж **агломерациясига жалб** этишни билдирада. Шунга қарамасдан бирликда улкан иқтисодий, илмий ва интеллектуал потенциал яратувчи катта қисмининг бир жойда тўплашнинг самараси жуда улкан бўлиб, уларнинг ўсишини рағбатлантиради.

Шундай қилиб, катта шаҳарлар ва шаҳарлар агломерацияларининг ривожланишида уларнинг манбаларидан фойдаланиш, ҳамда

камчиликларини камайтириш мумкин. Бу масалаларни ҳал қилишдан олдин “Ҳақиқатда ҳам XX аср катта шаҳарлари ўтмиш шаҳарларига нисбатан яшаш учун нокулайроқми?” деган саволни таҳлил қилиш ўринлидир. Тарихий манбалар транспорт, шовқин, атроф – муҳит ифлосланиши каби муаммолар ўтмишда ҳам мавжуд бўлгандигидан гувоҳлик беради.

Масалан: **Қиролича Елизавета** даврида Лондонда тошкўмир ёқиш таъқиқланган, бунинг учун жазолашган. Бундан шу нарса кўринадики, транспорт ва экология муаммолари фақатгина шаҳар катталашувигагина боғлиқ бўлмасдан, балки уларни ҳал қилиш учун жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий, техник ва технологик воситаларга ҳам боғлиқ экан.

**Урбанизация** - бу ишлаб чиқариш асосида кўчаларнинг ривожланиши ва тўпланиши, ижтимоий алоқалар шакллари, шаҳар турмуш тарихининг аҳоли яшаш жойларининг барча тармоқларига ёйилиши билан боғлиқ бўлган кўпқиррали, кенг (яъни бутун дунёни қамраб олган) ижтимоий – иқтисодий жараён. Бу сўзнинг бирорта тор тушунчалари, яъни шаҳарларнинг ҳам шаҳар аҳолисининг ўсиши, умум аҳоли сонида шаҳар аҳолиси саломатлигининг ортиши ва ҳоказо, уни тавфсифлаш учун етарли эмасдир. Шаҳар сонининг ва шаҳар аҳолисининг ортиши шаҳар аҳолиси салмоғининг камайишида ҳам юз бериши мумкин. Мамлакат ёки регион уларнинг урбанизациялашиш даражасига қарама – қарши қўйилиши мумкин, яъни бутун аҳоли яшаш тизимида шаҳар аҳолисининг салмоғи ошганоиги, лекин урбанизациялашиши даражаси юқори бўлиши, ривожланаётган мамлакатларда эса, аксинча шаҳар аҳолисининг даражаси паст бўлиши мумкин.

**Шаҳарсозлик Концепциялари Метаболизм Кендзо Танге назарияси -** табиий организмнинг атроф-мухит билан модда алмашинуви хақидаги янги фан эколгия тушунчаларини биринчи бўлиб шахарсозликка тадбиқ этган япон архитектури **Кендзо Танге** баланд иморатлар устида дарахтлар ўтқазиш ва устириш усулларини қуллаган.бу ўсул 1960 йилларда дунёга “Токио -60” лойиҳаси тозалаш утопияси билан танилди 1980 йил оммавий кенг тарқалди. Токио шахрида сув хавзваларида суний ороллар ва парклар қурила бошлади бу эса шахарларни ривожланишига янгича ёндашиш даври бошланди.

**Америка шахарсозлик назарияси Канурбация** (лотин сўздан олинган–соп-бирга ва урвс-шахар) шахар агломерациянинг ярим марказлашган усули бўлиб бир канча катта –кичик ядроларнинг сифатида шахарсозлик агломерациясининг синоними бўлиб йирик шахарлар ичида алохида группаларини ташкил қилади. (метро, вокзал, яшаш массиви, аэропортлар**)** бунга Германия, Белгия, Нидерландия давлатларида кенг тарқалган.

Демак, бундан маълум бўлдики шахарсозлик тарихи назариясининг ривожланиши турли давлат назариячилари олимлари томонидан бойитилган ва қадимдан инсон ва табиат орлиғида чамбарчас боғлиқликлар шахарсозликда биринчи ўринда турганлигидан далолат беради.

**Илова №2**

***Мустақил ишлаш учун адабиётлар:***

1. Яргина З.Н и др."Основы теории градостроительства стройиздат 1978 г.
2. «Шахарсозлик кодекси – шахарсозлик фаолиятининг хуқуқий замини», проф. Латипов Д.В., Тошкент,ТАҚИ 2007й.
3. "Шахарсозлик асослари" Д.У.Исмухамедова, Ўқув қўлланма, ТАҚИ 2000й.
4. ШНК 2.07.01 – 03 Градостроительство. Планирование развития и застройки территорий городских и сельских населенных пунктов. – Т.: Госкомархитектстрой РУз., 2003.
5.Справочник проектировщика. Градостроительство. (Охрана окружающей среды). - М.: Стройиздат, 1996.

**Илова №3**

***Савол - жавоб:***

1.Шаҳарсозлик назариялари хакида умумий тушунчалари
2. Шаҳарсозлик динополис (бир чизикли текис ривожланган шахарлар - мегополис дейилади) (экуменалполис) Конистантиноса Доксиадиса назарияси
3. Шаҳарсозлик Концепцияларида Метаболизма Кендзо Танге назарияси
4. Амерка шахарсозлик назарияси нималардан иборат
5. Агломерация сузига тушунча ва мисоллар келтиринг.
6. Урбанистик назариясининг асосчилари ва келиб чиқиш тарихи.

**Илова №4**

***Таянч иборалар:***

*Урбанизация. Урбанизациянинг белгилари. Шахар агломерацияси. Конистантиноса Доксиадиса. Метаболизм Кендзо Танге назарияси. Америка шахарсозлик назарияси Канурбация.*

## 5 - амалий машғулот

| 5-МАВЗУ | **Қурилишда “кластер”, “шахарсозлик кодекси”, “экологик кризис”, “табиатни мухофаза килиш ”, “худуд” тушунчалар** |
|---|---|

**Амалий машғулотни олиб бориш технологияси**

**(машғулот модели)**

| | |
|---|---|
| *Ўқув соати – 4 соат* | Талабалар сони: 20 та |
| *Ўқув машғулот шакли* | Амалий машғулот |
| *Амалий машғулот режаси* | 1. Шахарсозлик кодекси<br>2. Экологик кризис<br>3. Табиатни мухофаза килиш<br>4. Худуд |
| *Ўқув машғулотининг мақсади*: Қурилишда “шахарсозлик кодекси”, экологик кризис”, “табиатни мухофаза килиш ”, “худуд” тушунчалар тушунчалари хақида маълумот. | |
| *Педагогик вазифалар:* | *Ўқув фаолияти натижалари:* |
| *“Шахарсозлик кодекси”* билан таништирди. | Талабалар “Шахарсозлик кодекси” билан танишдилар; |
| *“Экологик кризис”, Табиатни мухофаза килиш”* тўғрисида муҳокама қилинди. | Талабалар Экологик кризисни бартараф этишни мухокама қиладилар. |
| *Худуд тушунчаси* хақида маълумот беради. | Талабалар “худуд” тушунчаси хақида маълумотга эга бўлдилар. |
| *Ўқитиш воситалари* | А1 форматдаги плакатлар, компьютер слайдлари. |
| *Ўқитиш усуллари* | Кластер, синквейн. |
| *Ўқитиш шакллари* | Фронтал, кичик гуруҳларда ишлаш |
| *Ўқитиш шароити* | Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки саволлар. |

**Қурилишда “кластер”, шахарсозлик кодекси, “экологик кризис”, “табиатни мухофаза килиш ”, “худуд” тушунчалар мавзусининг технологик харитаси**

| Иш босқич лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич Кириш (20 мин) | 1.1. Амалий машғулот мавзуси, режаси, кутиладиган натижалар билан таништиради. | Тинглайдилар. |
| 2 -босқич Асосий бўлим (50 мин) | 2.1. Талабаларга “Табиатни мухофаза қилиш”, “Экологик инқироз” тушунчаларини кластер усули орқали тушунтиради. Мисоллар оркали (1 - илова)<br><br>2.2. Гуруҳлар ишини бошқаради, ташкилий масалалар бўйича саволларга жавоб беради, талабаларни йўналтиради. | Мисоллар билан танишадилар.<br><br>Гуруҳда муҳокама этилган саволлар юзасидан гуруҳ сардори томонидан ҳимоя қилинади. |
| 3-босқич Якунловчи (10 мин) | 3.1.Машғулот бўйича якунловчи хулоса чиқаради.<br><br>3.2.Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш адабиётлар рўйхатини беради (2-илова) | Бажарадилар<br><br>Адабиётлар рўйхатини ёзиб оладилар |

**Илова №1**

**Кластер усули**






**Илова №2**

***Мустақил ишлаш учун адабиётлар:***

1. Яргина З.Н и др.“Основы теории градостроительства стройиздат 1978 г.
2. «Шахарсозлик кодекси – шахарсозлик фаолиятининг хуқуқий замини», проф. Латипов Д.В., Тошкент,ТАҚИ 2007й.
3. “Шахарсозлик асослари” Д.У.Исмухамедова, Ўқув қўлланма, ТАҚИ 2000й.
4. ШНК 2.07.01 – 03 Градостроительство. Планирование развития и застройки территорий городских и сельских населенных пунктов. – Т.: Госкомархитектстрой РУз., 2003.
5.Справочник проектировщика. Градостроительство. (Охрана окружающей среды). - М.: Стройиздат, 1996.

## Ўқув машғулотида таълим технологияси модели

**Мавзу *(ракамиˆ)*** *6- мавзу* ***(номи )*** **<u>Россияда Миллий Шаҳарсозлик ғоялари</u>**

| Вақт 4 соат | Талабалар сони: 40та |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Маъруза |
| *Маъруза режаси Ўқув машғулотининг тузилиши* | 1. Социал-шахарсозлик асослари<br>2. Шахарсозлик ва хуқуқ; шахарсозлик ва хукмат; шахарсозлик ва жамият каби концепциялари тушунчалари.<br>3. Шахарсозлик фаолиятида концепция системаси тузилиши.<br>4.Бутун шахарсозлик системасининг ривожлантириш йўллари. |
| *Ўқув машғулоти максади:* | Ўқув машғулотининг максади талабаларда «Шахарсозлик назарияси» тўғрисида тўлиқ фикрга эга бўлиши. |
| *Педагогик вазифалар:*<br>*Социал-шахарсозлик асослари* билан таништиради;<br>*Шахарсозлик ва хуқуқ* мохиятини тушунтиради;<br>*Шахарсозлик фаолиятида концепция системаси тузилиши, "Бутун шахарсозлик системасининг ривожлантириш йўллари"* га тасниф беради. | *Ўқув фаолиятининг натижалари:*<br><br>Талабалар *«Социал-шахарсозлик асослари»* мавзусидан олган билимларини мухокама киладилар;<br><br>Талабалар *«Шахарсозлик ва хуқуқ»* мавзуни мохиятини тушунадилар;<br><br>Талабалар *"Шахарсозлик фаолиятида концепция системаси тузилиши", "Бутун шахарсозлик системасининг ривожлантириш йўллари"* хақида олган билимларини таснифлаб берадилар. |
| *Таълим усуллари* | Маъруза, савол жавоб. |
| *Таълим шакли* | Оммавий, жамоавий |
| *Таълим воситалари* | Маъруза матни, савол – жавоб |
| *Таълим бериш шароити* | Гурухларга ишлашга мўлжалланган хоналар |
| *Мониторинг ва бахолаш* | Оғзаки сўров: тезкор-сўров. |

## Ўқув машғулотининг технологик харитаси

| Иш боскичлари ва Вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| 1-боскич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа) | 1.1 “Россияда Миллий Шаҳарсозлик ғоялари” мавзуси билан таништиради. *Максад:* “Шахарсозлик ва хуқуқ” тушунчаси хақида маълумотга эга бўладилар. *Натижа:* Шахарсозлик фаолиятида концепция системаси тузилиши хақида умумий маълумотга эга бўлди. 1.2. Мавзу бўйича тушунчалар берилади. (Илова №1) | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. Аниқлаштирадилар. Саволлар берадилар. |
| 2-боскич. Асосий (60 дақиқа) | 2.1. Савол – жавоб (Илова №2); 2.2. Таянч иборалар (Илова №3). | Жавоб берадилар. Гурухларда ишлайдилар. |
| 3-боскич Якуний (10 дақиқа) | 3.1. Мавзу бўйича якунлайди, қилинган ишларни келгуси касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлигига талабалар эътибори қаратилади. | Савол берадилар |

**Илова №1**

***Мавзу бўйича асосий тушунчалар***

**1.** Бугунги кунда Росия шахарсозлик ғояларини илмий асосланган ишланмалари асосида шахарсозликнинг иқтисодий, социал кўп укладли усуллари ишлаб чиқилмокда.

Ўз навбатида шахарларнинг бир бирига боғлик мажмуаларни ягона килиб бирлаштиради ва шахарнинг келажакдаги социал ривожланиши аниқлаб беради. Бу ғояларни қўллашдан максад шахарнинг келажакда ривожлаиш йўли ва уларнинг фаолиятини аниқлашдан иборат. Бу ғоялар Россия федрациясида стратегик ахамият максадида-ахолини шахарга кўпроқ кўчиб келишини қўллаб қувватлаш (расселания) сиёсатида фодаланилмоқда.

**2. Шахарсозлик ва хукук;** шахарсозлик ва хукумат: шахарсозлик ва жамият каби 3та бир-бирига боғлиқ бўлган концепциялар асосида тайинланган холда шахарсозлик ривожлантирилади.

Бозор иқтисоди шароитида шахарнинг иктисодий мустахкамлигини сақлаб қолиш, социал кенгайтириш ва ижтимоий ривожлантиришга йўналтириш зарур. Биринчи навбатда шахс ва жамият фикрини демакратик тамойилларни қонун ва бошқарув асосида олиб бориш зарур.
Демакратик бошқариш - бу шахар тизимини тўғри бошқариш хисобланади.

Ижтимоий баҳолаш – (соц. расселения ) ахолини кўчиб келиши ва жойлаштириш ва жиноятлар, касалликлар, каби муаммоларни ечишда ижтимоий ва соц. шахарсозлик усуллари кенг фойдаланилади.
Шахарсозликнинг асосий вазифаси шахар ахолисини хар томонлама минталитетини кўтариш ва обруини қонунлар асосида химоя килишдан иборат.

**Концепциянинг асосий вазифаси -** Шахарсозлик таркибидаги барча фаолиятларни тўғри ташкиллаштиришдан иборат.
Россияда концепция, ягона социал, иқтисодий, қонуний ва бошқаришни ташкиллаштиришнинг янги шахарсозлик алгоритми хисобланади.
Хукумат ва шахарсозлик бошқариши бу бир –бирига боғлиқ ҳолда кўп йиллик тажриба асосида бажариладиган ва келажакда ўз натижасини берадиган шахарнинг шакли хисобланади.
Хукумат ва шахарнинг умумийлиги; шахарсозликни хукумат таркибида қонуний ривожланишини мустахкамлайди (РосФед 1998йил).

Шахарни демакратик конун асосида бошкаришда шахар лойихасини ривожлантириши хукуматнинг ўз қўлида янгилик асосида, илмий назарий амалий кўрсатмалар асосида шахарсозликда фаолиятини олиб бориш зарур.

**3.Шахарсозлик ғоялари:** шахарсозликнинг келажакда ривожланишини белгилашда илмий асослар, социал морфологик ривожланишнинг меъморий шаклига иктисодий, экологик, эстетик ва маданий каби муаммолар хисобга олган холда шахарнинг режаси шакли яратилади **(шахар режаси 25-30 йилга мўлжалланган).** Шу фикр ва таклифлар маълумотлар асосида қурилган шахарсозлик сиёсати кўп йилларга хизмат қилади.

**4.** Шахарсозлик системасини ривожлантириш йўлларида янги шахарсозлик концепция ва ғояларини таклиф этади:
1.Йирик шахарларда (агломерация) ахолини кўчиб келишини ривожлантириш сиёсати
2. Функционал зоналар бўйича шахарни лойихасини тузиш жойлаштириш.
3.Шахар атрофидаги очиқ майдонларда –қурилиш қилиш.
4. Шахарнинг маълум бир худдуларида реконструкция ишларини олиб бориш.
5.Тарихий маданий ва мемориал ёдгорликларни қайта таъмирлаш ва сақлаб қолиш.
6. Шахар худудини комплекс соғломлаштириш.
7. Янги техника ва технологияларни шахарсозликка тадбиқ этиш.

Кўп тармоқли маиший хизмат кўрсатиш биноларини, йирик бинолар қуриш, ва ер ости фазосидан фойдаланиш.
XXI-асрнинг 1960-70 йилларида биноларни қайта қуриш ишларини амалга ошириш, янги замонавий уйлар қуриш, эколгик эстетик холатларини хисобга олиб қуриш режалари шахарсозликнинг демакратик масалардан бири бўлиб хисобланади.

**Илова №2**

***Савол - жавоб:***

1 Миллий шаҳарсозлик ғоялари хақида умумий тушунча.

2.Социал-шахарсозлик асосларининг яратилиши.

3. Шахарсозлик ва хуқуқ; шахарсозлик ва хукмат; шахарсозлик ва жамият каби консепциялари тушунчаларига изохлар беринг.

4. Шахарсозлик фаолиятида концепция системаси тузилиши.

5. Бутун шахарсозлик системасининг ривожлантириш йўллари тарихи.

6.Шахарсозликнинг келажагини ривожланишини белгилаш илмий асослари.

7.Социал марфологик ривожланишнинг меъморий шакли, иктисодий, экологик, эстетик ва маданий каби муаммолар.

8. Шахарларнинг бош режаси шакли яратишда хисобга олинадиган факторалар нимлардан иборат?

9. Шахар бош режаси канча муддатларга мўлжалланилади?

10. Йирик шахарларда (агломерации) ахолини кўчиб келишини ривожлантириш сиёсати.

11. Функционал зоналар бўйича шахарни лойихасини тузиш ва жойлаштириш принциплари.

12.Шахар атрофидаги очиқ майдонларда –қандай қурилиш қилинади?

13. Шахар худдуларида реконструкция ишларини олиб бориш хакида тушунча.

14.Тарихий, маданий, архитектура ёдгорликларни қайта тамирлаш сақлаб қолиш усулари.

15. Шахар худудини комплекс соғломлаштириш деганда нимани тушунасиз.

16. Янги техника ва технологияларни шахарсозликка тадбиқ этиш тушунчаси нима?

17. Шахарсозликда ер ости фазосидан фойдаланиш дегани нима?

**Илова №3**

***Таянч иборалар:***

Минталитет. Агломерация. Концепция. Ер ости фазо. РосФед.

# 6 - амалий машғулот

| | |
|---|---|
| **6-МАВЗУ** | **Машк шахарсозлик схемаларини тузиш шахар ва қишлоқ лойихасини тузишда мухим омиллар. Боғларни, дала ховлиларни поселкалар ҳамда фермер хўжаликларини жойлаштириш рўйхатини тузиш.** |

**Амалий машғулотни олиб бориш технологияси**
**(машғулот модели)**

| | |
|---|---|
| *Ўқув соати – 4 соат* | Талабалар сони: 20 та |
| *Ўқув машғулот шакли* | Амалий машғулот |
| *Амалий машғулот режаси* | 1. Шахар ва қишлоқ лойихасини тузишда мухим омиллар.<br>2. Боғларни, дала ховлиларни поселкалар ҳамда фермер хўжаликларини жойлаштириш. |
| *Ўқув машғулотининг мақсади*: Шахарсозлик схемаларини тузиш, шахар ва қишлоқ лойихасини тузиш. | |
| *Педагогик вазифалар:* | *Ўқув фаолияти натижалари:* |
| *“Шахар ва қишлоқ лойихасини тузиш”* билан таништирди. | Талабалар “Шахар ва қишлоқ лойихасини тузиш” билан танишадилар; |
| *Боғларни, дала ховлиларни поселкалар ҳамда фермер хўжаликларини жойлаштириш* тўғрисида маълумот беради. | Талабалар боғларни, дала ховлиларни поселкалар ҳамда фермер хўжаликларини тўғри жойлаштиришни тушунадилар. |
| *Ўқитиш воситалари* | А1 форматдаги плакатлар, компьютер слайдлари. |
| *Ўқитиш усуллари* | Кластер, синквейн. |
| *Ўқитиш шакллари* | Фронтал, кичик гуруҳларда ишлаш |
| *Ўқитиш шароити* | Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки саволлар. |

**Машк шахарсозлик схемаларини тузиш шахар ва қишлоқ лойихасини тузишда мухим омиллар. Боғларни, дала ховлиларни поселкалар ҳамда фермер хўжаликларини жойлаштириш рўйхатини тузиш мавзусининг технологик харитаси**

| Иш босқич лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич Кириш (20 мин) | 1.1. Амалий машғулот мавзуси, режаси, кутиладиган натижалар билан таништиради. | Тинглайдилар. |
| 2 -босқич Асосий бўлим (50 мин) | 2.1. Талабаларга шахар ва қишлоқ лойихасини тузишда ШНК 2.07.01-03 дан фойдаланиш орқали тушунтиради. Мисоллар оркали (1 - илова)<br><br>2.2. Гуруҳлар ишини бошқаради, ташкилий масалалар бўйича саволларга жавоб беради, талабаларни йўналтиради. | ШНК билан танишадилар.<br><br>Гуруҳда муҳокама этилган саволлар юзасидан гуруҳ сардори томонидан ҳимоя қилинади. |
| 3-босқич Якунловчи (10 мин) | 3.1.Машғулот бўйича якунловчи хулоса чиқаради.<br><br>3.2.Мавзу бўйича билимларни чукурлаштириш адабиётлар рўйхатини беради (2-илова) | Бажарадилар<br><br>Адабиётлар рўйхатини ёзиб оладилар |

**Илова №1**

# ШНК 2.07.01-03

## II. ШАХАР ВА ҚИШЛОҚ АХОЛИ ПУНКТЛАРИ ХУДУДИНИ РИВОЖЛАН-ТИРИШ ВА ҚУРИЛИШИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

4. Шахар ва қишлоқ ахоли пунктлари умумреспублика миқёсида жойлаштириш тизимининг ва унга кирувчи вилоятлар, туманлар, қишлоқ хўжалик корхоналарининг жойлаштириш тизимлари, шунингдек, минтақавий жойлаштириш тизимларининг таркибий қисмлари сифатида лойихалаштирилиши лозим. Бунда жойлаштириш тизимлари учун ягона бўлган ижтимоий, ишлаб чиқариш, мухандислик-транспорт ва бошқа инфратузилмаларнинг шаклланишини, шунингдек марказ-ахоли пункти ёки жойлаштириш тизими кичик маркази таъсир доирасида келажакни кўзда тутиб ривожлантириладиган мехнат, маданий-маиший ва дам олиш алоқаларини хисобга олиш зарур.

5. Турли худудий даража жой-лаштириш тизимларининг марказ-ахоли пунктлари таъсир доираларининг кўлами Ўзбекистон Республикаси худудида Бош жойлаштириш схемаси, Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар (туман гурухлари) худудини режалаштириш схема ва лойихаларининг маълумотлари асосида қабул қилиниши лозим.

6. Жойлаштириш тизимлари марказлари бўлган ўта йирик, йирик ва катта шахарлар худудини ривожлантириш ва қуришни режалаштириш лойихаларини шахар билан ягона хўжалик-иқтисодий, мухандислик-техник, табиий-экологик ва шахарсозлик-режалаштириш мажмуасини хосил қилувчи шахар атрофлари худуди билан биргаликда кўриб чиқиш керак.

Ўта йирик, йирик ва катта шахарлар атрофларидаги худудлар қишлоқ хўжалик жойларини, манзара-дам олиш худудларини, кичик ахоли пунктлари ва бошқа объектларни ўз ичига олувчи кўкаламзор айлана сифатида режалаштирилиши керак.

Бунга мос холда мехнат захирала-рини хисоблаш ва шахар кичик тизимларининг ривожланиш кўрсаткичларини аниқлаш марказ-шахар атрофидаги ахоли пунктлар билан хар кунги мехнат ва маданий-маиший алоқаларни хисобга олиб амалга оширилиши керак.

7. Ахоли пунктлари худудининг ривожланиши ва қурилишини режалаштириш лойихаларини нормаланадиган ривожланиш кўрсаткичларини танлашни аниқлашга имкон берувчи лойихадан аввалга илмий-тадқиқот ишларининг асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

8. Шахар ва қишлоқ ахоли пунктлари лойиха муддатидаги ахолисининг лойиха сонига қараб 1-жадвалга мувофиқ гурухларга бўлинади.

**1-жадвал**

| Аҳоли пунктлари гуруҳлари | Аҳоли, минг киши | |
|---|---|---|
| | Шаҳар ва шаҳар поселкалари | Қишлоқ аҳоли пунктлари |
| ўта йирик | 1000 дан ортиқ | |
| Йирик | 250дан1000 гача | 5 дан ортиқ |
| Катта | 100дан 250 гача | 3 дан 5 гача |
| ўрта | 50 дан 100 гача | 1 дан 3 гача |
| Кичик | 50 гача | 1 гача |

9. Лойиха муддатидаги ахоли сони ахоли пунктининг истиқболий ривожланиши хақидаги маълумотлар асосида, ахолининг табиий ва механик ошиши бўйича демографик тахмин ва маятникли миграцияни хисобга олиб аниқланиши лозим.

10. Шахар ва қишлоқ ахоли пунктларининг ривожланиши учун худудни меъморчилик-режалаштириш усулларининг, техник-иқтисодий, санитар-гигиеник

кўрсаткичлар, ёқилғи-энергетик, сув, худудий захиралар, атроф мухит холатининг вариантларини таққослаш асосида табиий ва бошқа шароитларнинг келажакдаги ўзгариши тахминларини хисобга олган холда ушбу худудлардан оқилона функционал фойдаланиш имкониятини хисобга олиб танлаш лозим.

11. Худудлардан функционал фойдаланиш устиворлигини хисобга олиб, ахоли пунктининг худуди обод, ишлаб чиқариш ва манзара-дам олиш қисмларига бўлинади.

Обод худуд турар жой қурилиши, жамоатчилик бино ва иншоотлари, шу жумладан илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг мажмуалари, кўчалар, майдонлар, парклар ва бошқа умумий фойдаланиш жойлари, шунингдек, санитар-ихота зоналарини яратишни талаб этмайдиган баъзи коммунал ва саноат объектларини жойлаштириш учун мўлжалланган.

Ишлаб чиқариш худуди саноат корхоналари ва улар билан боғлиқ бўлган илмий муассасалар мажмуаларининг улардаги тажриба ишлаб чиқариш объектларини, коммунал-омбор объектларини, ташқи транспорт иншоотларини, шахардан ташқари ва шахар атрофи алоқа йўлларини, мухандислик иншоот ва тармоқлари, шунингдек, ишчиларга хизмат кўрсатиш муассасалари ва корхоналарини жойлаштириш учун мўлжалланган.

Қишлоқ ахоли пунктларида ишлаб чиқариш худуди қишлоқ хўжалик машиналари таъмир устахоналари ва гаражларини, уруғ ва ўғит омборларини, қишлоқ хўжалик махсулотлари ва чорва емлари омборларини, чорвачилик фермалари хамда қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш бўйича ишлаб чиқариш туридаги объектларни жойлаштириш учун мўлжалланган.

Манзара-дам олиш худуди очиқ кўкаламзорлаштирилган ва сув билан таъминланган жамоат фойдаланиш майдонлари, шунингдек, ниҳолхона ва санитар-ихота зоналари тизимидир.

Мазкур худудлар ичида турли функционал мақсадли зоналар ажратилади: турар жой қурилиши, жамоатчилик марказлари, саноат ва коммунал-омбор зоналари, илмий ва илмий-ишлаб чиқариш, ташқи транспорт, оммавий дам олиш ва оромгох, мухофаза этиладиган манзаралар ва хоказо.

12. Шахар ва қишлоқ ахоли пунктлари режавий тузилмасини функционал зоналарнинг ихчам жойлашуви ва ўзаро алоқаларини, худуд-нинг оқилона бўлиниши, худуддан унинг шахарсозлик қимматлилигига боғлиқ холда самарали фойдаланиш, меъморчилик-шахарсозлик анъанала-ри, табиий-иқлимий, манзара, миллий-маиший ва бошқа худудий хусуси-ятларни биргаликда хисобга олиш, атроф мухитни, маданий мерос объектларини мухофаза қилишни таъ-минлаб туриб шакллантириш лозим.

13. Хар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси ва фуқароларнинг қишлоқ йиғини учун уларнинг худуди лойи-хасини ҚМҚ 2.07.04-98 “Қишлоқ хўжалиги корхоналари худудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш”га мувофиқ ишлаб чиқиш лозим.

**Илова №1**

## Мустакил ишлаш учун адабиётлар рўйхати:


1. ШНК 2.07.01 – 03 Градостроительство. Планирование развития и застройки территорий городских и сельских населенных пунктов. – Т.: Госкомархитектстрой РУз., 2003.
2. “Шахарсозлик асослари” Д.У.Исмухамедова, Ўқув қўлланма, ТАҚИ 2000й.
3. “Градостроительное проектирование” Л.Н Авдотьин, Игг. Летава, И.М Смоляр, М.Стройиздат 1989 г.
4. “Основы градостроительства и планировки сельских населенных мест” А.В Иконников М, Высш.школа 1982 г (уч. Пособие)

**Ўқув машғулотида таълим технологияси модели**

**Мавзу *(раками)*** *7- мавзу* ***(номи )*** **<u>Бугунги куннинг долзарб экологик ва энергетик муаммоларни ечиш</u>**

| Вақт 4 соат | Талабалар сони: 40та |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Муаммоли маъруза |
Шаҳарга таъриф беришда турли мамлакатларда турлича мезонлардан фойдаланилади, аҳоли сони, аҳоли ёки қурилиш зичлиги, аҳолининг кўпчилиги банд бўлган меҳнат тури, шаҳарнинг тарихан шаклланган мавқеи, маъмурий функциялар ва бошқа мезонлар ёки уларнинг қўшилмалари. Собиқ иттифоқ Республикаларида шаҳар тушунчаси мезонлари қонунларида кўзда тутилган эди. Масалан: Россияда у ёки бу аҳоли яшаш жойини шаҳар тоифасига киритиш учун аҳолиси энг камида 12 минг кишини ташкил этиши керак, шу билан бир қаторда аҳолисининг 75% дан кўпроғи қишлоқ хўжалигидан бошқа иш билан машғул бўлиши шарт.

**Аҳоли жойлашиши ва туманни режалаштириш.** Аҳоли жойлашиши ва ишлаб чиқаришнинг келажакда жойлаштиришнинг ўзаро боғлиқлиги. Ушбу мавзунинг бундан кейинги баёнида “Аҳоли жойлашиши” сўзи орқали мамлакат ҳудудида шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшаш жойларининг биргаликда, ўзаро боғлиқ ҳолда фазовий – ҳудудий жойлашиши тизими

тушунилади. Бошқача сўз билан айтганда “аҳоли жойлашиши” деганда мавжуд аҳоли яшаш жойларини ривожлантириш ва янгиликларини барпо қилиш орқали ҳудудларда аҳолининг тақсимлаш жараёни тушунилади. Бизнинг мамалакатимизда амал қилинадиган меъёрий ҳужжатларда шаҳарлар, қишлоқлар аҳолисининг сонига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- энг йирик шаҳар – аҳолиси 500-1000 минг ва ундан ортиқ;
- йирик шаҳар – 250-500 минг киши;
- катта шаҳар – 100-250 минг киши;
- ўрта шаҳар – 50-100 минг киши;
- кичик шаҳар – 50 минггача.

Катталиги турлича бўлган шаҳарларда уларнинг халқ хўжалиги тузилиши, уларни ижтимоий меҳнат бўлинишидаги бажарадиган ролига асосан мос келади. Кон саноати, ҳамда қайта ишлаш саноатининг бошланғич тармоқлари кичик ва ўрта шаҳарларга, ҳамда шаҳар тоифасидаги қишлоқлар томон тортилади (Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Красногорск ва бошқалар). Саноат “якуний” тармоқлари (машинасозлик, химия, радио - электроника) эса, катта, йирик ва энг йирик шаҳарларда кўпроқ ривожланади. Тадқиқотлар умуман шаҳарларнинг ўсиши билан уларда саноат тўпланишининг даражаси ортиб боришини кўрсатади. Катта, йирик ва энг йирик шаҳарлар аҳолисининг кўпайиши билан бир вақтда уларнинг сони ҳам кўпайиб бориши кузатилган.

1926 йилда собиқ Совет Иттифоқида 31 та йирик ва энг йирик шаҳарлар бўлган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 200 тани ташкил этади. Уларнинг жадал ўсиши даставвал ижтимоий – иқтисодий омилларга боғлиқ (саноат билан фаннинг қўшилиши, таълим ва бошқалар).

Аҳоли яшаш жойларининг регионал ва гуруҳли тизимлари. Аҳоли яшаш жойларининг шаклланган кўринишлари ва шакллари хусусиятларини қўриб чиқамиз. Мамалакатимиз ҳудудида узоқ муддат давом этган меҳнатнинг бўлиниши жараёнида аҳоли жойлашишининг бир нечта кўринишлари ва турлари тарихан шаклланади.

Ахоли жойлашишининг кўриниши аҳоли яшаш жойлари иқтисодий базасининг хусусиятлари ва уларнинг катталиги билан белгиланади. Аҳоли жойлашишнинг шакли аҳоли яшаш жойлари турининг зичлиги, маълум бир ҳудуд чегарасида ўзаро жойлашиши хусусиятларига ҳамда аҳоли яшаш жойлари орасидаги алоқа турларининг ривожланиш даражасига боғлиқ.

Ҳозирги кунда аҳоли жойлашишининг иккита асосий кўринишни ажратиш мумкин:

**Шаҳар кўриниши** – шаҳарлар ва шаҳар туридаги қишлоқларнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ.

**Қишлоқ кўриниши** – турли қишлоқ аҳоли яшаш жойларининг ривожланиши билан боғлиқ. Ҳар бир асосий кўриниш ***ичида иқтисодий, табиий, демографик ва бошқа ўзига хос шароитларга боғлиқ*** ҳолда бир қатор турларни ажратиш мумкин. Шаҳар аҳоли жойлашиши турининг ичида аҳолининг энг йирик, йирик ва катта шаҳарларда тўпланиши билан

ажралиб турадиган шакли; ҳамда аҳолининг кўпчилик қисми ўрта, кичик ва шаҳар туридаги қишлоқ жойларига тарқалганлиги (тарқоқ).

Ҳозирги кунда аҳоли жойлашишининг 2 хил шакли мавжуд:

- **автоном шакли** – бунда қўшни аҳоли яшаш жойлари бир–бирларидан узоқ жойлашган бўлиб, улар орасидаги транспорт алоқалари кучсиз ривожланган. Аҳоли яшаш жойлари бир–биридан ажралган ҳолда ҳоли ривожланади.
- **гуруҳли шакли** –бунда қўшни аҳоли яшаш жойлари орасида ишлаб чиқариш соҳасида ва аҳолининг меҳнати, турмуши ва дам олиши соҳасида кучли алоқалар мавжуд.

**Аҳоли жойлашиши ва табиий муҳит.** Аҳоли жойлашишга таъсир кўрсатувчи асосий омиллар:

- иқлим, тупроқ ва гидрогеологик шароит;
- саноат ишлаб чиқариши учун база ҳисобланган фойдали қазилмалар ва ёқилғи энергетика ресурслари;
- транспорт коммуникацияларининг ривожланиши белгилаб борувчи табиий шакл.

Инсонлар ҳаёти ва меҳнатига таъсир этувчи табиий иқлим омиллари катта аҳамият касб этади. (Ҳарорат, шамол ва намлик, ичимлик суви билан таъминланганлик, ер рельефи, қурилишнинг геологик шароитлари, сейсмик ҳолат, абадий музлик, сел, замин чуқувчанлиги ва ҳоказолар).

Ер юзасида аҳолининг дастлабки жойлашиши ибтидоий жамоа билан табиий муҳит ўртасидаги ўзаро алоқа билан белгиланган. Табиий шароитларнинг жуда қулайлиги қадимги ***шаҳар маданиятининг иқтисодий асосини ташкил этувчи йирик суғориладиган ерлар тизими***ни шакллантириш имконини берган. Бундай ерлар тизими Мисрда Нил дарёсининг қуйи оқимида, Месопотамияда Тигр ва Ефрот дарёлари қуйи оқимида, Ҳиндистонда, Ҳинд ва Ганга дарёлари соҳиларида вужудга келган.

**Аҳоли яшаш жойи** – доимий аҳолисининг тўпланиши моддий фондлар (бинолар, иншоотлар, йўллар, муҳандислик тармоқлари ва бошқалар) билан мустаҳкамланган ҳудуднинг бир қисмидир.

**Шаҳарсозлик** – бу ижтимоий – иқтисодий, санитария – гигиеник, техник – қурилиш, транспорт ва архитектура–бадиий масалаларни биргаликда ҳал этувчи шаҳар ва аҳоли яшаш жойларини режалаштириш ва қурилиш назарияси ва амалиёти тўғрисидаги тушунча.

## 2.3. Шаҳарларни функционал – режавий ташкил этиш.

Мавжуд шаҳарларнинг кенгайиши ва янги шаҳарларнинг қурилиш учун ҳудуд танланади. Шаҳарнинг режалаш лойиҳасини ишлаш унинг қурилиш учун ҳудуд танлашдан бошланади. Шаҳар кенгайганда турар–жой қурилиши ва бошқа қурилишлар учун янги ҳудудлар танланади. Янги шаҳар қурилаётганда эса бутун шаҳарни жойлаштириш учун ҳудуд изланади.

Ҳудуд танланганда қуйидагилар инобатга олинади:

- жойнинг табиий шароитлари;

- атроф – муҳит муҳофазаси;
- ҳудуд сифатига саноат, турар–жой, транспорт ва қурилишни бошқа турларининг қўядиган талаблари;
- шаҳар асосий зоналарининг ўзаро жойлашиш шартлари;
- ҳудудларни муҳандисона тайёрлаш ва муҳандисона жиҳозлаш талаблари;
- қурилиш иқтисодиёти талаблари.

Шаҳар режавий лойиҳаси қурилиши олиб бориладиган ҳудудларни шаҳарсозлик таҳлил қилиш маълумотларига асосланади.

**Шаҳарнинг режавий тузилиши.** Қулай шаҳар муҳитини яратиш даставвал қурилаётган шаҳар учун пухта ўйлаб жой танлашга боғлиқ. Шаҳарда яшаётган одамларнинг меҳнат қилиши, турмуш ва дам олиши унинг асосий функционал мазмунини ташкил этади.

Шаҳар ҳудудида унинг функционал жиҳатдан фойдаланишга қараб қуйидаги зоналарга (қисмларга) бўлинади:

- **аҳоли яшайдиган зона:** бунда турар–жой туманлари, микрорайонлар аҳолига маданий–маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари, маъмурий жамоа ташкилотлари, кўкаламзорлар, умумфойдаланадиган спорт иншоотлари, кўчалар ва майдонлар, зарарсиз бўлган айрим саноат ташкилотлари, омборхоналар, ташқи транспорт қурилмалари ва захира ҳудудлар жойлашади.

- **саноат зонаси** – бунда саноат ташкилотлари, маданий – маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари, кўчалари, майдонлар, йўллар, кўкаламзорлар жойлашади.

- **ташқи транспорт зонаси** - бунда темир йўл тармоқлари ва бекатлари, порт иншоотлари, аэрогромлар, автовокзаллар, дарё ва денгиз вокзаллари жойлашади.

- **коммунал – омборхона зонаси -** бунда омборхоналар, уларга хизмат қилувчи темир йўл тармоқлари, трамвай, троллейбус ва автобус парклари, ичимлик сув иншоотлари, оқава сувлар иншоотлари, шаҳар коммунал хўжалик иншоотлари жойлашади.

- **аҳоли дам олиш зоналари** - бу алоҳида функционал зона ҳисобланади. Унинг унсурлари (элементлари) шаҳарда аҳоли яшаш жойларида, саноат зонасида ва улардан ташқарида, яъни алоҳида дам олиш зонаси сифатида жойлашади; Шаҳардан ташқарида қисқа муддатли (дам олиш кунлари) ва узоқ муддатли (таътил пайтида) дам олиш жойлари ташкил этилади. (пансионатлар, ўқувчилар оромгоҳлари, боғдорчилик жойлари).

- **санитария – ҳимоя зонаси.** Туруржой зоналарини саноат ташкилотлари ва транспорт қурилмаларидан ажратади. Бу кўкаламзорлар ва очиқ майдонларидан иборат.

**Турар-жой туманларини режалаштириш ва қуриш.** Шаҳарнинг энг асосий қисмларидан (зоналари) бири бу аҳоли жойлашган зона ҳисобланади. Унда турар-жой туманлари, жамоат марказлари, боғлар ва шаҳарнинг бошқа унсурлари (элементлари) жойлашади.

**Аҳоли жойлашган туман** - бу шаҳарнинг йирик унсури бўлиб, шаҳар тузилиши билан узвий боғлайдиган маълум минтақавий чегаралар билан чекланган.

**4. Турар-жой туман** - шаҳар аҳоли жойлашган зонаси режавий тузилишнинг асосий унсури ҳисобланади. Унинг функцияси аҳолига юқори қулайлик яратиш, санитария – гигиена меъёрларига амал қилган ҳолда қурилишнинг ифодали архитектуравий қиёфасини яратиш

Мамлакатимизда туман режалаштириш бўйича лойиҳа ишларининг 2 тури шаклланган:

- туман режалаштириш шартли чизмаси:
- туман режалаштириш лойиҳаси:

Туман режалаштириш шартли чизмаси вилоятлар, ўлкалар, автоном республикалар учун тузилади.

Туман режалаштириш лойиҳаси ҳудудларини ва аҳоли жойлашишни ташкил қилиш бўйича умумий иқтисодий ва режавий масалаларга эга бўлган алоҳида маъмурий туманлар ёки улар гуруҳи учун ишланади. Туман режалаштириш шартли чизмалари ва лойиҳалари бюртмачи томонидан берилган лойиҳалаш топшириғи асосида бажарилади ва чизмалар, ҳамда тушунтириш ҳатидан иборат бўлади.

**Саноат туманлари.** Саноат иқтисодий туманлар шаклига кучли таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади.

Саноат туманларини режалаштирш асосий масалалари қуйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни ташкил этиш:

- қувват ва хом ашё манбаларига яқинлик;
- маҳсулот истеъмолчиларига яқинлик;
- меҳнат кадрлари билан таъминланганлик;
- юк ташишни осонлаштирувчи қулай транспорт алоқалари;
- аҳоли учун турар жой ва иш жойлари туманлари ўртасида қулай алоқани таъминлаш;
- шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун шаҳар атрофи қишлоқ хўжалиги базасини ташкил этиш;
- атроф- муҳит муҳофазаси бўйича тадбирлар.

**Қишлоқ хўжалиги туманлари.** Қишлоқ хўжалиги туман режалаштириш улар ишлаб чиқаришнинг ўзига хос томонларини инобатга олиш билан боғлиқдир. Ерларни ва яйловларни яхшилаш тадбирлари муҳим масаладир (ободонлаштириш, сув омборларини қуриш ва ўрмон ҳимоя зонаси).

Курорт саёҳат туманлари. Асосий масалалар:

- курорт ва шифобахш ресурсларини аниқлаш (иқлим, денгиз, тоғлар, шифобахш минерал сув манбалари, шифобахш балчиқ ва ҳоказо).
- ҳудудларни функционал қисмларга ажратиш.
- ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш радиуслари масалаларини ҳал этишда қуйидаги иқтисодий масалаларни эътиборга олиш лозим:

6. Ташкилотларни биргаликда жойлаштириш.
7. Транспорт алоқалари.
8. Маҳсулотни истеъмол қилувчи туманларга яқинлиги. Кўп маҳсулотларин уларни истеъмол қиладиган жойларда ишлаб

чиқариш мақсадга мувофиқдир. Масалан: машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноатларининг тайёр маҳсулотларини хом-ашёга қараганда ташиш қийинроқдир;

9. Қувват омили туманнинг ўзига хослигини белгилайди ва уларда корхоналар жойлаштиришга таъсир этади. Қуввати катта электростанциялар атрофида ҳар доим кўп электр қуввати сарфловчи ишлаб чиқариш корхоналари жойлаштирилади.
10. Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик.

Дунё миқёсида Ўзбекистон республикаси худудида жойлашган тарихий обидаларимизни хисобга оладиган бўлсак бу мавкеи жуда катта. Ўзбекистон республикаси худудида жами бўлиб тарихий меъморчиликка бой бинолар сони 4000 тадан ортиқ кўплари бутун дунё хамжамияти ЮНЕСКО га киргизилган. Бу шаҳарлар асосан Бухора, Самарқанд ва Хоразм шахарлари ҳисобланади. “2004 йил Самарканд шаҳарларини ўрганиш бўйича Япония ва Ўзбекистон ўртасида битим шартнома тузилди, 2005 йил талабалар ва аспирантлар орасида тузилди. Янги шаҳарларни қуришда биз асосан эски меъморий обидаларни саклаб қолишимиз зарур.

**Саволлар**

1. Ахоли яшаш жойларининг регионал жойлаштириш тизими.
2. Вилоят худудларини районлаштириш лойиҳалари.
3. Бош режага шаҳар ва қишлоқ турар жой пунктларининг жойлаштириш.
4. Саноат ва аҳоли турар жой туманларида транспорт системаларини лойиҳалаш.
5. Ўзбекистон шаҳарларининг асил меъморий–бадиий кўринишини асраш ва ривожлантириш.
6. Ўзбекистон шаҳарларида транспорт харакатлари хисобга олиш.
7. Шахарларни лойихалашда транспорт транспорт системаси.
8. Шаҳарнинг режавий тузилиши ва талаблари.
9. Шахарнинг бош режаси тузилиши хакида тушунча.
10. Шахарсозликда туманлар хакида тушунча.

## ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИК КОНЦЕПЦИЯЛАРИ
## 5340300 - “Шаҳар қурилиши ва хўжалиги” йўналиши бўйича
## Маъруза- №3
## Шаҳарсозликда аҳолини жойлаштиришнинг умумдавлат тизими.

1. Ўзбекистон шаҳарларида аҳолини жойлаштиришнинг умумдавлат тизими
2. “Шаҳарсозлик концепциялари” тушунчаси.
3. Шаҳарнинг режавий тузилиши ҳақида тушунча.
4. Тошкент шахрининг 2015 йилгача бўлган бош режаси тузилиши.

Собиқ иттифоқ даврида шаҳарсозликнинг ривожланиши асосан социализм концепциялари асосида ва раҳбарият билан келишилган ҳолда

саноат завод, фабрикаларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли тақсимлаб жойлаштирилган. Шаҳарни ташкил қилувчи омиллардан бири бу саноат ишлаб чиқариш ва аҳоли хисобланган ишчиларини фаолиятини хисобга олган холда кучириш ёки жойлаштиришлари амалга оширилган. Тўпланган аҳоли асосида эса янги турар-жойлар, хизмат кўрсатиш муассалари каби бошқа худудлари яратилган.

**Аҳоли яшаш жойларини регионал жойлаштиришни** саноат худуди бўйича ягона тизим ишлаб чиқариш ва махсулотни тарқатишга хўжаликда – ишлаб чиқариш тизими асосида битта қилиб мослаб қурилган бунга:

а) Саноат "ядроси"ни партия ташкилоти рахбарияти билан бошқариш бир бири билан боғлик холда мослаштирилган, ишлаб чиқариш тизимларини раҳбарият хар томонлама таъминлаб туради.

б) Индустриал саноатда ишлаб чиқаришга атрофдаги қишлоқ аҳолисини жалб қилади, транспорт билан хом-ашё билан раҳбарият таъминлайди.

в) Шахар худудий зоналарга (қисмларга) аҳолини жойлаштириш тизими ва бошқалардан иборат.

Аҳоли яшаш жойларини регионал жойлаштириш, соц яшаш, соц жойлашиш бу ягона умумдавлат дастури булган, бошидан ўйлаб қилинган бу тизим кейинчалик бўшашган холатга келди (1920-1930 йй).

**Энг мухими** хозирги кунда ҳам саноатни социал жойлаштириш, соц ахолини жойлаштириш, соц шаҳарсозлик назарияси ва таклифларидан фойдаланилмокда.

Мустақиллигимизнинг 19 йил даврида ахолимиз шаҳарларда яшаш шароитлари анча яхшиланди. Умумдавлат, ахолини жойлаштириш тизими ривожланиш режаси, минтакавий, махаллий ва ёппасига ички имкониятлар асосидаги режаси билан алмаштирилди. Шаҳарларда ахолини жойлаштириш индустриал тизими ўрнини бюджет ва бозор муносабатлари механизмлари асосида фойдаланишга ўтилди. Марказлашган хўжалик тарғиботларидан бозор иқтисодиётига ўтмокда. Бу тизим асосан мавжуд ички имкониятлар шароитлар асосида минтақани худудий ривожлантириш, шаҳарнинг тарихий шаклланиши асосларида ахолини жойлаштириш тизимидан иборат.

Хозирги замонда минтақавий лойиҳалашда янги усулларни ва янги статистик маълумотларни ўрганиш ва амалга ошира оладиган билимли лойихачиларни талаб қилади.

Замонавий шаҳарларни кўришда биз асосан шаҳарларнинг юқорига караб (фазовий ривожланишдан) фойдаланишимиз зарур. Янги фазовий ривожланиш статистикаси – минтақавий ривожлиниш тизими асосида ўзгаради.

Минтакавий ривожлантириш тизими жуда мураккабдир 1-чи навбатда бутун ривожланиш тизимини келажагининг ривожлантириш факторлари олинади: иктисодий-экологик ва (демографик) шаҳарнинг ўсиши каби барча омилларини ўз ичига оладиган тизим ҳисобланади.

Шаҳарсозлик талаби, Республикамизнинг барча минтакаларида ахолини жойлаштириш муамолари режалаштирилган ва лойиҳаланган хамда хаётда синаб қўлланилмокда.

## 2. Шахарсозлик концепцияси хакида тушунча

Шахарсозлик концепцияси хакида тушунча- шаҳар тузилиш концепцияси –бу шундай таклифки донишманднинг миясида жамланган фикр, янгилик, етакчилик ғояси уни олға суради ва шаҳарнинг аник лойиҳаси устида ишлашга ундайди.

**Концепция тушунчаси**–лотин сўзидан олинган бўлиб- (тушунча, тизим) етакловчи фикр, илмий, бадиий ва амалий акс этади. Баъзи бир нарсаларнинг уйлар асосидаги янги бир аник ечимининг топилиши, бунга асосан яқин термин “идея” бирор бир режани ўйлаш, фикрлаш ва чуқур ўйлаб янги бир ғоя ва таклиф бериш демакдир.

Шахарсозлик концепцияси биргина шаҳар билан чекланмасдан бутун барча факторларни кенг қамровли холда ўз ичига олади.1960-1970 йилларда шаҳарларни группа-группа ахоли тақсимланган холда жойлаштирилган бу эса ўз навбатида – Агломерация дейилади (Саноатни ва қишлок хўжалигини тўпланиши ва бир-бирига қўшилиб кетиши). Сузиб юрувчи шахарлар (1000-300м кемалар, чизиқли шахарлар).

## 3. Шаҳарнинг режавий тузилиши ҳақида тушунча

**Шаҳарнинг режавий тузилиши.** Қулай шаҳар муҳитини яратиш даставвал қурилаётган шаҳар учун пухта ўйлаб жой танлашга боғлиқ. Шаҳарда яшаётган одамларнинг меҳнат қилиши, турмуш ва дам олиши унинг асосий функционал мазмунини ташкил этади.

Шаҳар ҳудудида унинг функционал жиҳатдан фойдаланишга қараб қуйидаги зоналарга (қисмларга) бўлинади:

- **аҳоли яшайдиган зона:** бунда турар-жой туманлари, микрорайонлар аҳолига маданий – маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари, маъмурий жамоа ташкилотлари, кўкаламзорлар, умумфойдаланадиган спорт иншоотлари, кўчалар ва майдонлар, зарарсиз бўлган айрим саноат ташкилотлари, омборхоналар, ташқи транспорт қурилмалари ва захира ҳудудлар жойлашади.
- **саноат зонаси** - бунда саноат ташкилотлари, маданий – маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари, кўчалари, майдонлар, йўллар, кўкаламзорлар жойлашади.
- **ташқи транспорт зонаси** - бунда темир йўл тармоқлари ва бекатлари, порт иншоотлари, аэродромлар, автовокзаллар, дарё ва денгиз вокзаллари жойлашади.
- **коммунал – омборхона зонаси -** бунда омборхоналар, уларга хизмат қилувчи темир йўл тармоқлари, трамвай, троллейбус ва автобус парклари, ичимлик сув иншоотлари, оқова сувлар иншоотлари, шаҳар коммунал хўжалик иншоотлари жойлашади.
- **аҳоли дам олиш зоналари** - бу алоҳида функционал зона ҳисобданади. Унинг унсурлари (элементлари) шаҳарда аҳоли яшаш жойларида, саноат зонасида ва улардан ташқарида, яъни алоҳида дам олиш зонаси сифатида жойлашади; Шаҳардан ташқарида қисқа муддатли (дам олиш кунлари) ва узоқ муддатли (таътил пайтида) дам олиш жойлари

ташкил этилади. (пансионатлар, ўқувчилар оромгоҳлари, боғдорчилик жойлари).

- **санитария –ҳимоя зонаси.** Турур-жой зоналарини саноат ташкилотлари ва транспорт қурилмаларидан ажратади. Бу кўкаламзорлар ва очиқ майдонларидан иборат.

Асосий функционал жараёнларни шаҳар ҳудудида фазовий такомиллаштириш анча мураккаб масаладир. Шаҳарнинг айрим қисмида қолган олти функционал зона бўлиб, у монофункцияли зонага айланади. Айрим қисмларда бир нечта асосий функция қўшилиб кетиб, улар полифункционал зонани ташкил этади. Шаҳарнинг жамоат маркази полифункционал зонани ташкил этади.

Илмий йўналишдаги шаҳарларда унинг асосий зоналари қаторига илмий – тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюролари зонаси қўшилади. Курорт шаҳарларда эса курорт зонаси қўшилади. У ерда даволаш – соғломлаштириш ва улар билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш ташкилотлари (Чортоқ, Хумсон ва бошқалар) жойлашади.

## 4. Тошкент шахрининг 2015 йилгача бўлган бош режаси тузилиши

Хозирги вактда Тошкент шаҳри ахолиси **2 млн 700 минг одамни** ташкил қилади. 2015 йилга бориб бу курсатгич яна **0,5 млнга** купайиш эхтимоли бор. Шахар худуди албатта ўз навбатида шаҳар атрофига қараб ўсишини кенгайишини кўрсатади. Бу эса уз навбатида қатор муаммоларни келтириб чиқаради: транспорт муамоларини ечиш зарур бўлади, автотранспорт сони 1990 йилга нисбаттан 2 баробар ўсди. 3-халка йўлини қуриш талаб қилинади, хозирги вактда 34 км узунликка эга бўлган кичик халка йўлини камчиликлари тугатилмокда. (3 одамга 1 машина )

Тошкент шахрида барча таъмирлаш ишлари килинмокда кўкаламзорлаштириш ишлари кенгайтирилмоқда, чет-эл малакаларидан фойдаланилмоқда. Иклим шароитларимизга мос келадиган уйлар қуриш (9-12 қаватли уйлардан юкори уйлар қурмаслик чоралари ишлаб чиқилди.

Тошкент шахри атрофидаги худудлардан транспорт айлана йўллари, парк зоналар ташкиллаштириш-кўкаламзолар асосида лойихаланмокда, бу эса экологик санитария –иклимни яхшилайди.

## Саволлар

1.Ўзбекистон шаҳарларида аҳолини жойлаштиришнинг умум давлат тизими

2. "Шаҳарсозлик концепциялари" тушунчаси.

3. Шаҳарнинг режавий тузилиши ҳақида тушунча

4. Тошкент шаҳрининг 2015 йилгача бўлган бош режаси тузилиши

5.Хозирги замонда минтақавий лойиҳалашда янги усулларни жорий қилиш

6.Тошкент шаҳрининг келажагдаги кутиладиган шахарсозлик курсатгичлари

7 Шаҳарнинг режавий тузилишда хисобга олинадиган курсатгичлар.

8.Агломерации тушунчасига мисоллар келтиринг

9. Соцрасселения тушунчаси ва шахарсозликда роли

10.Шаҳарларни режалаштириш қандай маълумотлар асосида амалга оширилади?

## ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИК КОНЦЕПЦИЯЛАРИ
## 5340300-шаҳар қурилиши ва хужалиги йўналиши бўйича
## Маъруза- №4
## “Идеал шаҳарларда” Шаҳарсозлик концепциялари.

1. Утопик лойиҳалар:
2.“Қуёшли шаҳар” Томазо Кампанеллы;
3.“Шаҳар-машина ” Антонио Сант-Элиа;
4.“Боғ-шахар”Э.Говарда;
5.“Индустриал шаҳар” Тони Гарнье.

**Идеал шаҳарлар.** Шаҳар худудини тақсимлашда атроф-муҳит ҳолатини ҳисобга олган ҳолда аҳолини социал тенг тақсимлаб жойлаштирилган шаҳарлар идеал шаҳарлар деб аталади. Идеал шаҳарнинг барча концепциясига доир масалалар, иқтисодий-сиёсий соцмаданий шароитлари, иқлим шароити ва минтақанинг урф-одатлари каби омиллар ҳисобга олган ҳолда идеал шаҳар лойиҳаланади.

Қадимда “Идеал шаҳар” биринчи бўлиб Платон билан боғлиқ даврда (эрамиздан аввал 427-342й.й.пайдо бўлган таклиф этилган элементлари Атлантида оролида бунёд этилган) бу таклиф ва мулоҳазаларни меъморчилик назарияларига асос қилиб социал утопиклар ривожлантирди.

Танилган Утопислардан Томас Мор Утопик ороли (1478 -1535),

Томмазо Компанелло (1568-1639) ва унинг “Қуёш шаҳри” ва Френсиса Бэкона (1561-1626)“Янги Атлантида”.

**Шарль Фурье (1772-1837)** ва **Роберт Оуэн (1771-1858)** шаҳарни эмас, мамлакат худудини етарли даражада тенг тақсимлаш таклифини олға сурди.

**Клод Николя Леду (1736-1806)** Француз архитектори лойхани хисоб китоблари ёзуви асосида кенг қилиб тайёрлади.

**Эбенезер Говард (1850-1928й.)** даврида 1902 йил йирик шаҳарларда саноат корхоналарнинг ривожланиши натижаси янги экологик муаммолар келиб чиқди ва бу муаммони ечиш учун архитектурлар ва шаҳарсозлар ўз ҳаракатларини бошлаш мақсадида “Туғри чизиқли шаҳарлар”, “Боғ шаҳар, “Соц шаҳар”, “Индустриал шаҳар” каби шаҳарсозлик концепциялари ишлаб чиқди.

Эбенезер Говард “Шаҳарларда –келажакдаги боғлар” китобида 30 минг одамга мўлжалланган шаҳар таклиф қилди.

Инженер Сориа-и Мата (1882) хаттоки Мадрид шаҳрида “Тўғри чизиқли шаҳарлар”, биринчилардан бўлиб қуришни бошлаган транспорт магистрал йўли атрофида энсиз шаҳар қурган, аҳолиси 30 минг атрофида одамга мўлжалланган.

Ле Корбузье Швецария архитектори 1956 йилда Ҳиндистонда Чандигарх шаҳрини қурди. Бразилия пойтахтини Бразилия шаҳрини жуда ҳам кенг фикрлар тасаввурлар асосида идеал шаҳар қилиб қурди.

1959 йилда Франк-Ллойд Райт 1500 м. баландлик эга бўлган 1,5 млн аҳолига мўлжалланган шаҳар **Эллис оролида қуриш** лойиҳасини тайёрлади.

**Ер ости фазосидан** фойдаланиш максадида архитекторлар А.Спиллахаус, Б.Шривер, инженер Б.Фуллерлар лойихаларини таклиф этди.

Жюль Верна **"сузиб юрувчи шахарлар"** раманида барча қулайликларга эга бўлган шахар ҳақида ёзилган. Америка компаниялар шу асарлар туртки бўлиб, бир неча минг кишига мўлжалланган **"сузиб юрувчи шаҳарлар"** лойиҳаларини тайёрлади.

идеал шаҳарлар, шаҳар қалъасимон (юлдузча шаклида)
утопик шаҳар (адабиётларда яратилган келтирилган идал шаҳар)
боғ –шаҳри
индустрал шаҳарлар (шаҳар –завод)
чизиқли шаҳар
булажак шаҳарлар(20 асир бошларида)
шаҳар –шакли
янги шаҳарлар

## Йирик шаҳарлар тузилишининг (структурасининг) ривожланиши

Қадимий шаҳарлар ва қишлоқларнинг ўсиши секин юз берган. Уларнинг ҳудудлари одатда марказий ядро атрофида ҳалқа шаклидаги қурилиш қатламларининг юзага келиши натижасида катталашиб борган. Ўрта аср шаҳарларининг ташқи чегараси мудофа иншоотлари тизимлари билан аниқланган. Улар ичкарисидаги ҳудуд тўлганидан сўнг, унинг ташқарисидаги ҳимояланган ҳудудларда қурилиш бошланган. Янги мавзеларни вақт ўтиши билан мудофа иншоотларининг янги ҳалқаси билан ўралган. Шундай қилиб, катта шаҳарларнинг ўсиши дарахт танасининг кўндаланг кесимидаги йиллик ҳалқа чизиқларига ўхшаш бўлган. Бундай шаклда кенгайган шаҳарларга Вена (Австрия), Юрлинген (Германия) ва Москва (Россия) киради.



**1.1. – расм. Ҳалқасимон – радиал шаклдаги шаҳар тузилиши.**

**Радиал** – ҳалқа шаклидаги тузилишга эга бўлган шаҳарлар Марказий Осиё ҳудудидаги шаҳарларда бўлган.

Шаҳарнинг дастлаб ярим оролда жойлашиши ёки релъеф қийинчиликлари унинг бирорта бир йўналишда кўпроқ ўсишига олиб келади, бундай ўсиш кўпинча комета думини эслатади. Фин ярим оролида жойлашган Хелсинки ва Россиянинг Тюмен шаҳарлари ҳам шулар қаторига киради. Баъзан шаҳарнинг миқдорий ўсиши унинг тузилишини сифат томон ўзгаришга олиб келган. Масалан, қадимги Рус шаҳри Псков дарёнинг қуйилишида вужудга келган. Шаҳар аҳолисининг ўсиши унинг ҳудудини кенгайишига ва 1375 йили тўрт қатор ҳимоя деворлари қурилишига олиб келди. Сўнгра шаҳар Псков дарёсининг кейинги қирғогига ҳам ўтиб кетди. Псков шаҳарининг тузилиши ҳалқа шаклига ўзгариб, унда Кремл девори, Хитой девори, “Бульвар” ҳалқаси девори ва “Садовая” ҳалқаси пайдо бўлди.

Воровитск тепалигида, Москва ва Неглинная дарёлари қуйилишида вужудга келган, Москва шаҳри ҳам шундай ривожланиш йўлининг босиб ўтган. Псков шаҳри каби Москва ҳам даставвал Кремлдан тарқалувчи ҳалқали-радиал шаклидаги кўчалар бўйлаб кенгайган. Сўнгра бу тизимга Негменная дарёси кейинги қирғоғидан мавзелари қўшилади. XVI аср охирига келиб вужудга келган бутун мавзе ҳимоя девори билан ўралади. (оқ шаҳар XIXасрда Бульвар ҳалқаси). Шаҳарнинг тақасимон шакли Москва дарёсига келиб тақалади. Кремл энди Марказий ўрнини эгаллайди. Сўнгра шаҳар Москва дарёсининг кейинги қирғоғида ривожлана бошланади XIX асрда Садовая ҳалқа йўли билан уралади.

**Утопик шаҳарлар утопия -бу фантастика**, хаётда учрамайдиган орзулар асосидаги шаҳар лойиҳаси куринишларидан иборат. Утопик шаҳарсозлар асосан ҳаёлан тасаввур қилади фақат баландлик орзуси билан яшайди ёки инсоният тарихида биринчи **Вавилон башняси** ҳақидаги афсона утопик архитектурлар тамонидан яратилган.

**“Қуёш шаҳри”** Италия файласуфи Томмазо Кампанелло аҳолини социал тенглигини ҳар тамонлама қуллайдиган, ифода этадиган таклифлар беради. Шу учун шаҳарда ҳар бир киши қишлоқ хўжалик ва ҳарбий ишлар билан шуғиланишига тўғри келадиган идеал шаҳар тузиш таклифини олға суради.

**“Шаҳар машина” Антонио Сант-Элиа -** 20-асир бошларига келиб янги хар томонлама мужассамлашган шахарсозликнинг мукаммал лойихалари устида ишлаш концепциялари пайдо бўлди.

**1914 й. Миллан шахрида** Янги тенденции Кургазма (Виставка) замонавий янги шахарлар хакида **“Янги шахар, Милан-2000” очилди.** Бунда асосан Сант Элиа лойихаси умуман янгича ёндашишлар асосида қилинган лойиха эди. Бу лойихада самолет ва поездлар учун янг станция, метрополетен қурилиши учун янги бир калит булди. баланд уйлар, хар хил баландликдаги автотрассалар электростациялар архитектура элементлари ва хар хил иншоатлар бир-бири билан мужассамлиги келтирилган.

**Сант Элиа** ўз Маърузасида биринчилардан бўлиб янги шахарларнинг модернизация қилиш катта метрополетенлар куриш, аэропорт, темир йул, электростанция ва саноат иншоатларини куриш. метрополетен

курилишида электр ва комуникация асосий элемент хисобланади, архитектура конструкциясида асосий материал цемент ва темир хисобланиши каби масалалари хакида Маърузасида такидлаган. Ҳамда келтирилган жадвал ва графикларида бир қанча иншоотларнинг бир-бири билан чамбарчас боғланганлиги шахар мухитини тушунган холда килинганлиги авторнинг лойихасида ўз аксини топган.
Баланд иморатлар устига хар хил лозингларга реклама ленталари куйиш каби мосламалар билан безатилган экранлар келтирилган эди .

1920 йил Сант Элиа архитектура чизмалари халқаро "Стил" журналида, Германиянинг "Штурм" журналида кенг оммага эълон қилинди. Сант Элиа ғоялари асосида Утопик шахарсозлар тамонида Ле Корбюзье 3 млн кишилик шахар (1923й). Урбанистик лойиха, Баланд бинолар шахри (1924), каби ғоялар илгшари сурилди.

2-жахон уришидан кейин Француз архитектури Ж.Кандилис бутун дунёда 2 йуналишни битта аспектда яъни шахарсозлик ва архитектура асосида ривожлантириш таклифини берди. Бутун европада ёппасига микрорайон ва массивлар куриш оммовий тус олди.
"Янги шахарлар таклифлари (идеалари)"60-70 йилларда Парижда Дефансномли эксперментал шахар курилди баланд зич урбанизациялашган шахар бунед этилди.

**Шахар-бог Э.Говарда.**

**Шахар–боғ** – шахарсозлик концепциясига 20 аср бошларида кириб келди. Англия утопислари тамонидан бу таклиф 1898 й. биринчи "Булажак-боғ шахари" номли китоб шаклида чиққан **(Эбензером Говард)** 32000 киши мулжалланган шахарбулиб ёнидаги йулдош шахарлар ахолиси билан биргаликда 250минг кишига мулжалланган шахар.

Шахарнинг марказида парк атрофида ахоли яшаш зонаси, паст каватли бинолар дала хавлилари шаклидаги уйлар курилган, хизмат курсатиш оралик мософаси 1км дан ошмайди.

Иккинчи жахон уришидан кейин Англия давлатининг пойтахти Лондон шахри атрофида 1млн ахолига мулжалланган 18та янги шахар лойихаланиб куриш режалаштирилган эди.
Бог- шахарлар 20 асирнинг иккинчи яримида жуда ананавий тусга кирди Росияда Барнаулда, Ростов-на –Донда, Красний город-сад курилди.
Белгияда Район-сад Ле-Ложи Брюссел комунаси.Германия.
Испаниянинг Барселонда парклар курилди.
20 асрнинг 2чи яримига келиб бог шахарлар ананавий тусинийукотди. Шахар четида куриш богларни дала хавлиси шаклидаги курилишлар кескин тус олди.

**"Индустриал шахар" Тони Гарнье**

**Индустриал шахар** консепциясини француз шахарсози Тони Гарнье (1869-1948й.) яратган.бунда асосий муаммо шахарнинг усиши ва саноат корхоналарининг ифлослантириши.
Гарнье 1917 йил индустриал шахар номли катта мехнатини босиб чиқарди. 35 минг кишига мулжалланган шахар хакида эди. Бу унча катта булмаган шахарда барча саноат комплекси, уй печлар, судокурилиши, автомобиль,

авиация, к\хмашиналари ишлаб чиқарадиган заводлар ва хизмат курсатиш обектлари курилган.
Гарнье 1917 йил францияниг жанубий-шаркий кисмида 4 та функционал зонага бўлиб: яшаш зонаси, саноат, маданий –хизмат курсатиш ва қ\х хаёти фаолияти билан боғлик бўлган транспорт тармоклар билан чамбарчас боглиқ холда табий ландшафтни саклаш-ер релифи, куёш,хаво ва сувни мумкин кадар кулай фойдаланиш масалараиндан фойдаланилган шахар курилди.
Асосий курилиш материаллари бу темирбетон булиши зарур.

**Саволлар**

1. Утопик лойиҳалар:
2.“Қуёшли шаҳар” Томазо Кампанеллы хакида тушунчалар бошқа шахарлардан фарқи ва афзаллиги;
3.“Шаҳар-машина”Антонио Сант-Элиа хакида тушунчалар бошқа шахарлардан фарқи ва афзаллиги;
4.“Боғ-шахар”Э.Говарда хакида тушунчалар бошқа шахарлардан фарқи ва афзаллиги;
5.“Индустриал шаҳар” Тони Гарнье хакида тушунчалар бошқа шахарлардан афзаллиги.
6. Идеал шаҳар нима?
7. хаёлпарас шахарсозлар хақида тушунчалар ва уларнинг барча турлари
8.Сузиб юрувчи шахарлар хакида тушунча

## ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИК КОНЦЕПЦИЯЛАРИ
## 5340300-шаҳар қурилиши ва хужалиги йўналиши бўйича
## Маъруза- №5
## Шаҳарсозлик назарияси

1. Кириш
2. Шаҳарсозлик динополис (бир чизикли текис ривожланган шахарлар - мегополис дейилади) (экуменалполис) Конистантиноса Доксиадиса назарияси
3. Шаҳарсозлик Концепцияларида Метаболизма Кендзо Танге назарияси
4. Амерка шахарсозлик назарияси

**Шахарсозлик назарияси**–бу амалиётда шахар ахолиси турар жойларини ва режалаштиришдан иборат бўлиб, яъни социал иктисодий, соц техника, бадий –меъморий, хамда санитария гегиник каби муамоларни уз ичига олган мураккаб мажмуадан, системадан иборат.

1950 йилларга келиб бўлажак шахарлари хакида куплаб ўзига хос шахарсозлик фантазиялари яратилди.
Шахарларнинг соц гегиник , соц экологик, соц техник космик карабил, метал каркас асосларидаги шахарлар яратиш хакида гоялар пайдо бўлди.

1.Ниҳоят Грек шаҳарсозлик Урбанистик назариячиси Конистантиноса Доксиадисанинг фантазияси олга сурилди. Машҳур грек урбанисти К.Доксиадиса “одам шаҳарларда мағлубиятга учрайди, агарда шаҳар

муаммосига янгича ёндашиш йўллари топилмаса, унда бизни ҳалокат кутмоқда. Архитекторлар, жуғрофиячилар, иқтисодчилар, демографлар ва бошқа кўп фан намояндалари катта шаҳарлар ва урбанизм муаммолари билан шуғулланмоқдалар, ҳамма битта оқимга ташланмасдилар, фақат қирғоқнинг турли қисмларидан" - деган эди.

К.Доксиадиса 1974 йил биринчи бўлиб инсон ва табиат ўртасида муаммолар асосида экологимя фанидан "экологик тенгликнинг долзарблиги" маколасини ёзди. Шахар худудини 1 та зонага ажратиб 80% табий мухитга кукаламзорларга, 10% Қишлоқ хўжалигигава ўрбанизациясаноатини ривожлантиришга ажратган.

Бу назария асосан 4 та хил йуналишида бўлиб:

1.Бир йўналиш бўйича ривожланиш (динополис)

2.Хар тамонга бир хил ривожланиш (динометрополис)

3.Гигант шахарлар (динамегополис)

4.Шахарсозлик хакидаги фанлар ва Статистик маълумотлар асосида ривожлантириш. (экуменалполис) (динамегополис)

Экологик адабиётларда **"агломерация"** сўзи саноат корхоналарининг бир жойда тўпланиши ҳудудий қўшилиб кетишини билдиради. Маълум маънода бу сўз аҳоли яшаш жойларининг тўпланиши ва қўшилиб кетиши орқали шаклланган ва тузилиши жиҳатдан турлича бўлган бирлашмаларни ташкил этишига ҳам таалуқлидир. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва тўпланиши таъсири остида агломерацияларнинг бир–бирларига яқинлашуви ва қўшилиб кетиши "мегаполис" ларнинг шаклланишига олиб келади. Мегаполис кенг ҳудудларини қамраб олувчи урбанизациялашган зоналардир. АҚШда Атлантика океани соҳили бўйлаб Бостон ва Вашингтон оралиғида магаполис вужудга келган. Буюк кўллар ҳудудида - Чикаго ва Питтербург оралиғида, Калифонияда – Сан-Диего ва Сан – Франсиско оралиғида, Англияда (Ливерпул Лондон), Японияда (Токио - Осако) вужудга келган.

Тошкент агломерацияси (Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл) нинг аҳолиси 2,9 млн кишини ташкил этади. Фарғона агломерацияси (Фарғона, марғилон, Кегайли) нинг аҳолиси 360 минг кишини ташкил этади. Дунёда 66 та мегаполислар мавжуд бўлиб, уларнинг умумий аҳолиси 1,4 миллиард кишини ташкил этади. 2000 йилга келиб мегаполиялар сони 160 тани ташкил этиб, уларда дунё аҳолисининг 40-50% истиқомат қилмоқда.

Катта шаҳарлар ва катта **агломерациялар** (шахар ва кишлокларнинг қўшилиб яқинлашиши) муҳим камчиликлари маълум, булар қуйидагилардан иборат:

- муҳандисона жиҳозлашнинг қимматлашуви;
- транспорт муаммоларининг қимматлашуви;
- атроф – муҳитнинг ифлосланиши;
- катта шаҳарлар аҳолисининг табиатдан узоқлашуви ва бошқалар.

Француз шаҳарсозлигида ва илмий манбаларда "Француз сахроси" деган тушунча мавжуд. Бу бутун мамлакат ҳаётий кунининг Париж **агломерациясига жалб** этишни билдирада. Шунга қарамасдан бирликда улкан иқтисодий, илмий ва интеллектуал потенциал яратувчи катта

қисмининг бир жойда тўплашнинг самараси жуда улкан бўлиб, уларнинг ўсишини рағбатлантиради.

Шундай қилиб, катта шаҳарлар ва шаҳарлар агломерацияларининг ривожланишида уларнинг манбаларидан фойдаланиш, ҳамда камчиликларини камайтириш мумкин. Бу масалаларни ҳал қилишдан олдин "Ҳақиқатда ҳам XX аср катта шаҳарлари ўтмиш шаҳарларига нисбатан яшаш учун ноқулайроқми?" деган саволни таҳлил қилиш ўринлидир. Тарихий манбалар транспорт, шовқин, атроф – муҳит ифлосланиши каби муаммолар ўтмишда ҳам мавжуд бўлгандигидан гувоҳлик беради.

Масалан: **Қиролича Елизавета** даврида Лондонда тошкўмир ёқиш таъқиқланган, бунинг учун жазолашган. Бундан шу нарса кўринадики, транспорт ва экология муаммолари фақатгина шаҳар катталашувигагина боғлиқ бўлмасдан, балки уларни ҳал қилиш учун жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий, техник ва технологик воситаларга ҳам боғлиқ экан.

**Урбанизация -** бу ишлаб чиқариш асосида кўчаларнинг ривожланиши ва тўпланиши, ижтимоий алоқалар шакллари, шаҳар турмуш тарихининг аҳоли яшаш жойларининг барча тармоқларига ёйилиши билан боғлиқ бўлган кўпқиррали, кенг (яъни бутун дунёни қамраб олган) ижтимоий – иқтисодий жараён. Бу сўзнинг бирорта тор тушунчалари, яъни шаҳарларнинг ҳам шаҳар аҳолисининг ўсиши, умум аҳоли сонида шаҳар аҳолиси саломатлигининг ортиши ва ҳоказо, уни тавфсифлаш учун етарли эмасдир. Шаҳар сонининг ва шаҳар аҳолисининг ортиши шаҳар аҳолиси салмоғининг камайишида ҳам юз бериши мумкин. Мамлакат ёки регион уларнинг урбанизациялашиш даражасига қарама – қарши қўйилиши мумкин, яъни бутун аҳоли яшаш тизимида шаҳар аҳолисининг салмоғи ошганоиги, лекин урбанизациялашиши даражаси юқори бўлиши, ривожланаётган мамлакатларда эса, аксинча шаҳар аҳолисининг даражаси паст бўлиши мумкин.

### 3. Шаҳарсозлик Концепциялари Метаболизм Кендзо Танге назарияси

Табиий организмнинг атроф-мухит билан модда алмашинуви хақидаги янги фан эколгия тушунчаларини биринчи бўлиб шахарсозликка тадбиқ этган япон архитектури **Кендзо Танге** баланд иморатлар устида дарахтлар ўтқазиш ва устириш усулларини қуллаган.бу ўсул 1960 йилларда дунёга "Токио -60" лойиҳаси тозалаш утопияси билан танилди 1980 йил оммавий кенг тарқалди. Токио шахрида сув хавзваларида суний ороллар ва парклар қурила бошлади бу эса шахарларни ривожланишига янгича ёндашиш даври бошланди.

**4. Амерка шахарсозлик назарияси Канурбация** (лотин сўздан олинган – соп-бирга ва урвс -шахар) шахар агломерациянинг ярим марказлашган усули бўлиб бир канча катта –кичик ядроларнинг сифатида шахарсозлик агломерациясининг синоними бўлиб Ерик шахарлар ичида алохида группаларини ташкил қилади. (метро, вокзал, яшаш массиви, аэропортлар**)** бунга Германия, Белгия, Нидерландия давлатларида кенг тарқалган.

Демак, бундан маълум бўлдики шахарсозлик тарихи назариясининг ривожланиши турли давлат назариячилари олимлари тамонидан бойитилган ва қадимдан инсон ва табиат орлиғида чамбарчас боғлиқликлар шахарсозликда биринчи уринда турганлигидан далолат беради.

**Саволлар**

1.Шаҳарсозлик назариялари хакида умумий тушунчалари

2. Шаҳарсозлик динополис (бир чизикли текис ривожланган шахарлар - мегополис дейилади) (экуменалполис) Конистантиноса Доксиадиса назарияси

3. Шаҳарсозлик Концепцияларида Метаболизма Кендзо Танге назарияси

4. Амерка шахарсозлик назарияси нималардан иборат

5. Агломерация сузига тушунча ва мисоллар келтиринг.

6. Урбанистик назариясининг асосчилари ва келиб чиқиш тарихи.

## ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИК КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

**5340300-шаҳар қурилиши ва хужалиги йўналиши бўйича**

**Маъруза- №6**

## Россияда Миллий Шаҳарсозлик ғоялари

1.Социал-шахарсозлик асослари

2.Шахарсозлик ва хуқуқ; шахарсозлик ва хукмат; шахарсозлик ва жамият каби консепциялари тушунчалари.

3. Шахарсозлик фаолиятида концепция системаси тузилиши.

4. Бутун шахарсозлик системасининг ривожлантириш йўллари.

**1.** Бугунги кунда Росия шахарсозлик гояларини илмий асосланган ишланмалари асосида шахарсозликнингт иқтисодий, социал куп укладли усуллвари ишлаб чиқилмокда.

Ўз навбатида шахарларнинг бир бирига боғлик мажмуаларни ягона килиб бирлаштиради ва шахарнинг кел ажакдаги социал ривожланиши аниқлаб беради. бу ғояларни куллашдан максадшахарнинг келажакда ривожлаиш йули ва уларнинг фаолиятини аниқлашдан иборат.бу гоялар Россия федрациясида стратегик ахамият максадида:- ахолини шахарга купроқ кўчиб келишини қўллаб қувватлаш (расселания) сиёсатида фодаланилмоқда.

**2. Шахарсозлик ва хукук;** шахарсозлик ва хукумат: шахарсозлик ва жамият каби 3та бир-бирига боглик бўлган концепциялар асосида тайанган холда шахарсозлик ривожлантирилади.

Бозар иктисоди шароитида шахарнинг иктисодий мустахкамлигини саклаб қолиш, социал кенгайтириш ва ижтимоий ривожлантиришга йуналтириш зарур. Биринчи навбатда шахс ва жамият фикирини демакратик тамойилларни конун ва бошқарув асосида олиб бориш зарур.

Демакратик бошқариш - бу шахар тизимини туғри бошқариш хисобланади.

Ижтимоий баҳолаш – (соц. расселения ) ахолини кучиб келиши ва жойлаштириш ва жиноятлар, касалликлар, каби муаммоларни ечишда ижтимоий ва соц. Шахарсозлик усуллари кенг фойдаланилади.

Шахарсозликнинг асосий вазифаси шахар ахолисини хар тамонлама минтаритини кутариш ва обруйини конунлар асосида химоя килишдан иборат.

**Концепциянинг асосий вазифаси -** Шахарсозлик таркибидаги барча фаолиятларни тўғри ташкиллаштиришдан иборат.

Россияда концепция , ягона социал, иқтисодий, қонуний ва бошқаришни ташкиллаштиришнинг янги шахарсозлик алгоритими хисобланади.

Хукумат ва шахарсозлик бошқариши бу бир –бирига боғлиқ холда куп йиллик тажриба асосида бажариладиган ва келажакда ўз натижасини берадиган шахарнинг шакли хисобланади.

Хукумат ва шахарнинг умумийлиги ; шахарсозликни хукумат таркибида конуний ривожланишини мустахкамлайди (РосФед 1998йил).

Шахарни демакратик кону н асосида бошкаришда Шахар лойихасини ривожлантириши хукуматнинг ўз кулида янгиликасосида, илмий назарий амалицй курсатмалар асосида шахарсозликда фаолияти ни олиб бориш зарур.

**3.Шахарсозлик гоялари:** шахарсозликнинг келажакда ривожланишини белгилашда илмий асослар, социал марфологик ривожланишнинг меъморий шаклига иктисодий , экологик, эстетик ва маданий каби муаммолар хисобга олган холда шахарнинг режаси шакли яратилади **(шахар режаси 25-30 йилга мулжалланган).** Шу фикир ва таклифлар маълумотлар асосида курилган шахарсозлик сиёсати куп йилларга хизмат қилади.

**4.** Шахарсозлик системасини ривожлантириш йулларида янги шахарсозлик концепция ва ғояларини таклиф этади:

1.Ерик шахарларда (агломерации) ахолини кучиб келишини ривожлантириш сиёсати

2.функционал зоналар бўйича шахарни лойихасини тузиш жойлаштириш.

3.шахар атрофидаги очиқ майдонларда –қурилиш қилиш.

4. шахарнин маълум бир худдуларида реконструкция ишларини олиб бориш.

5.тарихий маданий ва мемориал ёдгорликларни кайта тамирлаш ва саклаб қолиш.

6.шахар худудини комплекс соғломлаштириш.

7.Янги техника ва технологияларни шахарсозликка тадбик этиш.

Куп тармоқли майиший хизмат курсатиш биноларини, ерик бинолар қуриш, ва ер ости фазосидан фойдаланиш.

XXI-асрнинг 1960-70 йилларида биноларни қайта қуриш ишларини амалга ошириш, янги замонавий уйлар қуриш,эколгик эстетик холатларини хисобга олиб қуриш режалари шахарсозликнинг Демакратик масалардан бири бўлиб хисобланади.

**Саволлар**

1 Миллий Шаҳарсозлик ғоялари хақида умумий тушунча

2.Социал-шахарсозлик асослариниг яратилиш

3. Шахарсозлик ва хуқуқ; шахарсозлик ва хукмат; шахарсозлик ва жамият каби консепциялари тушунчаларига изохлар беринг.

4. Шахарсозлик фаолиятида концепция системаси тузилиши.
5. Бутун шахарсозлик системасининг ривожлантириш йўллари тарихи.
6. шахарсозликнинг келажакда ривожланишини белгилашда илмий асослари 7.социал марфологик ривожланишнинг меъморий шакли. иктисодий , экологик, эстетик ва маданий каби муаммолар
8 Шахарларнинг бош режаси шакли яратишда хисобга олинадиган факторалар.
9 шахар бош режаси канча муддатларга мулжалланилади.
10. Шахарсозлик системасини ривожлантириш йулларида
11.Ерик шахарларда (агломерации) ахолини кучиб келишини ривожлантириш сиёсати
12.функционал зоналар бўйича шахарни лойихасини тузиш ва жойлаштириш принциплари.
13.шахар атрофидаги очиқ майдонларда –қандай қурилиш қилинади.
14. шахар худдуларида реконструкция ишларини олиб бориш хакида тушунча.
15.тарихий, маданий, архитектура ёдгорликларни қайта тамирлаш сақлаб қолиш усулари.
16.шахар худудини комплекс соғломлаштириш деганда нимани тушунасиз.
17.Янги техника ва технологияларни шахарсозликка тадбик этиш тушунчаси нима.
18.Шахарсозликда ер ости фазосидан фойдаланиш дегани нима.

**ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИК КОНЦЕПЦИЯЛАРИ**
**5340300-шаҳар қурилиши ва хужалиги йўналиши бўйича**
**Маъруза- №7**

## Бугунги куннинг долзарб экологик ва энергетик муаммолар ва уларни шахарсозлик-меъморчилик мажмуалари асосида ечиш.

1.Ўзбекистонда долзарб экологик ва энергетик муаммолар
2. Ўзбекистон ахолисининг кўпайиш холатига изох бериш
3 Планета ахолисининг кўпайиш холатига изох бериш
4.Минтакада сув-энергитека муаммолари
5. Минтакада сув-энергитека муаммоларини ечиш йуллари
6. Шахарнинг шакилланишда ахолини сониниг ўсиши ва купайишида биосфера билан хажахатлик принциплари.

Бугунги куннинг долзарб экологик ва энергетик муаммолар ва уларни шахарсозлик-меъморчилик мажмуалари асосида ечиш. Бу Ўрта Осиё минтакасини назарда тутган холда айниқса Ўзбекистон шароитидан келиб чиққан ҳолда эътибор қаратишимиз зарур.

**1.Ўзбекистонда долзарб экологик ва энергетик муаммолар**

2009 йил 28 апрель Алмата шахрида Арол қутқариш Халқаро фонди давлат рахабарлари билан ўзора учрашув бўлиб ўтди. Унда хурматли президентимиз И.А.Каримов ўз докладларида Арол денгизининг қуриб бораётганлигини бу эса дунёда энг катта фалокат эканлигини такидлади хамда охирги 50 йил ичида Орол денгизи қисқаган худуд яъни куриган сув

майдони 4 мартага, сув микдори хажми 10 мартага ва туз миқдори бир қанчага кутарилди.
Атрофидаг шахарлар Казахистон рес. Кизил-Орда вилояти, туркменистоннинг Дашховуз вилояти, ҚҚАРес, Хоразм, Навоий, Бухара вилоятлар ва бўтун Ўрта Осиё минтақаси хавф остида турибди.
Орол денгизи таъсирида асосий сув захираларимиз бўлган Памир ва Тянь-Шань доимий музликларимиз хам камайиб бормоқда.
Бугунги кунда Орол денгизининг куриш ва таъсири бутун дунёда экологик-иқлим, иқтисодий – социал ва аҳолини купайиши каби голабал муаммолардан бири бўлиб қолди.

**2. Ўзбекистонда ахолининг кўпайиш холатига изоҳ бериш.**

2009 йил 1- январ маълумотларига асосан 27,5 млн одам яшамоқда. Ахолининг ўртача зичлиги 52,4 одам км$^2$ га тўғри келади.Ахоли асосан тоғли ва тоғ олди , чул зоналарда жойлашган. Чул зоналарда ахолини жойлашиш зичлиги жуда кам. ҚҚАРес.-8,1, Навоий-6,5 одам хар км$^2$.
Андижон вилояти -452,1 одам км$^2$ га тўғри келган, Союз даврида Андижон области ахолисининг зичлиги бўуича 5 республикада биринчи уринда турган.Бу курсатги хаттоки Москва вилоятида -334,5 км 2 ни ташкил қилган. Андижон вилояти Ўзбекистон вилоятининг 1% ери майдонини ташкил қилсада лекин Ўзбекистон Рес.ахолисининг 9% ушбу вилоятда яшайди. Тошкен вилоятида ахолиси - 279,3км$^2$ одам бу эса колган вилоятларга нисбатдан 6 марта куп. Албатта завод фабрикалар жойлшаганлиги хисобиг катта бўлиб Тошкент шахри Ўрта Осиёда ягона Ерик шахарлардан хисобланади.
Ўзбекистон 2015 йилда кутилаётган ахолиси сони 38 млн кишига етади.
Қишлоқ ахолиси сони асосан -63 %, шахар ахолиси 37 % етади.
Ериклашган шахарлар хисобига Самарқанд-365минг, Наманган-362,3, Андижон-319,9, Бухара-238,2, Нукус-191,2, Қарши-190,0, Фарғона-182,3 .
Ахоли ўртасида мехнатга лойиқлиги 39%,мехнат ёшидагилар-54%, Катталар орасида мехнатга лойиқлиги 7% ташкил қилади.
**Миграция жараёнлари (Аҳолининг кўчиш жараёнлари).** Миграция жараёнлари ҳозирги кунда жуда мураккаблашган. Миграция оқимларини меҳнат ресурсларига талаб жойларга (Мирзачўл, Жиззах) йўналтиришнинг иложи ҳар доим бўлмаган. Шу билан бир қаторда миграцларнинг кўпчилик қисми меҳнат ресурслари билан нисбатан таъминланган туманларга интилиши кузатилган.

Меҳнат ресурсларининг оқувчанлиги одамларнинг оммавий мақсадга номувофиқ миграциялари, борган жойларида ўрната олмаганликларидан кейин у жойларни ташлаб кетишлиги, уларнинг ўрнига мигрантларнинг яна янги гуруҳларнинг келиши “миграция беланчаги” деган ном олган.

**3. Планета ахолисининг кўпайиш холатига изох бериш**

XX асрда инсонлар планетаси катта шаҳарлар планетасига айланди. Шаҳарлар аҳолисининг айниқса катта шаҳарлар аҳолисининг усиши кейинги ўн йилларда ниҳоятда тезлашиб бормоқда. Ер шари аҳолиси умумий устини жадалашган бир неча марта тез юз бермоқда.
2009 йилга келиб шаҳар аҳолиси сонинг салмоғи:

Америкада - 80% Шимолий Америкада - 83%
Европада - 80% Австралия ва Оксонияда - 01%
Осиёда - 50% Жануби Осиёда - 50% Африка - 40% ташкил этганлигини илмий мтатистик маълумотлар кўрсатмоқда.
1900 йили дунёда 10 та миллионер шаҳарлар бўлна бўлса. 1975 йилга келиб – 175 та, 2008 йилда эса улариннг сони 400 дан ортиқ ва уларда ер юзи аҳолисининг 25 млрд. яшаши кутилмоқда.

1900 йилда ер юзида аҳолиси 10 млн.дан ортиқ бўлган шаҳарлар бўлмаган эди, ҳозирги кунда уларнинг сони 17 та. 2008 йилга келиб эса уларнинг сони бир нечта ўнта ни ташкил этмоқда.

БМТ маълумотларига кўра 1985 йилда Токиода – 25,2мин, Нью – Йоркда – 18,8 млн (2000 йилда – 22,6 млн), Мехикода – 17,9 млн (2000 йилда 31 мил), Сан -Паулода – 16,8 млн (2000 йилда 25,2 млн), Шанхайда – 14,3 млн (2000 йилда 22,7 млн), Лос Анжелесда - 13,7 млн, Калкуттада - 12,1 млн, Бомбейда – 12,1 млн, Пекинда – 12 млн, Осакада – 11,8 млн, Буенес Айресда – 11,7 млн, Қоҳирада – 10 млн, Москвада – 9 млн аҳоли яшайди. Собиқ совет иттифоқида 1926-1938 йиллар давомида шаҳар аҳолиси 162 млн кишига кўпаяди, булардан 57 млн.ни табиий ўсиш ҳисобига, 105 млндан ортиғи эса қишлоқлардан шаҳарларга кўчиб ўтганлар.

**Европа миллатларининг ҳудуди ва аҳолисининг сони**

| № | Мамалакатнинг номи | Ҳудуди, км$^2$ | Аҳолисини сони млн.киши (1996йил) |
|---|---|---|---|
| 1 | Буюк Британия | 244100 | 57,0 |
| 2 | Испания | 304700 | 38,9 |
| 3 | Италия | 301200 | 57,3 |
| 4 | Франция | 501600 | 55,7 |
| 5 | Швецария | 41300 | 8,5 |
| 6 | Швеция | 450000 | 3,4 |

**Демографик омиллар.** Шаҳарлар ва аҳоли жойлашиши лойиҳалари учун демографик жараёнларнинг келажакда қандай бўлиши ҳақидаги кутилаётган маълумотлар муҳим омиллардан ҳисобланади.

XXасрда ер юзида аҳолининг ўсиши жуда тезлаши:
1950 йил – 2527 млн.киши
1960 йил – 3060 млн.киши
1970 йил – 3728 млн.киши
1930 йил – 4417 млн.киши
1990 йил – 5242 млн.киши
2000 йил – 6119 млн.киши

Шундай қилиб, ер юзи аҳолиси биринчи миллиардга 50000 йил давомида етган бўлса, иккинчи миллиардга – 130 йилда (1930 йил), учинчи миллиардга – 30 йилда (1960 йил), тўртинчи миллиардга – 15 йилда

(1975 й), бешинчи миллиардга 12 йилда (1987 й), олтинчи миллиардга -11 йилда (1993 й) етди.

1980 йилларнинг бошларида Ер юзида аҳоли ўсиши суръати жуда тезлашиб кетди: бир кунда 21 минг кишига, бир йилда эса 72 млн. кишига кўпаяди. Аҳоли сонининг бундай тез ўсиши суръати "Демографик жорийлаш" номини олди.

Ҳозирги кунда ривожланган мамалакатларда янги жараён ривожланмоқда - аҳоли сони ўсишнинг секунлашуви (туғилишнинг камайиши, ўлимнинг камайиши). Бу жараён "демографик киш" номини олган.

**Аҳолининг табиий ўсиши**

| Мамлакатлар | Йиллар | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1940 | 1950 | 1960 | 1970 | 1980 | 1988 |
| Россия | 12,4 | 16,8 | 15,8 | 5,9 | 4,9 | 5,3 |
| Эстония | 0,9 | 4 | 6,1 | 4,7 | 2,7 | 4,1 |
| Узбекистан | 20,6 | 22,1 | 33,8 | 28,1 | 26,4 | 28,3 |

